

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲАЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ

## ҲАЁТИЙ ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ

*йўналиши*

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ

ТОШКЕНТ-2021

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648 -сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

**Тузувчи:** ТДТУ “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” кафедраси доценти, PhD. А.Х.Расулов

**Тақризчи:** ТДТУ “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” кафедраси мудири профессори. М.Н.Мусаев

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2020 йил 18 декабрдаги 4-сонли қарори билан фойдаланишга тавсия этилди.

## МУНДАРИЖА

I.ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II.МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. ....	11
III.НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	15
IV.АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	59
V.КЕЙСЛАР БАНКИ.....	89
VI.ГЛОССАРИЙ .....	92
VII I.АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	96

## **I.ИШЧИ ДАСТУР**

### **I. Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини муутазам ошириб боришни мақсад қиласди.

“Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш асослари” модулидан тузилган ишчи ўкув дастурда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш асослари, ёнғин хавфсизлиги бўйича асосий меъёрий-хуқуқий ҳужжатлари, ёнғинни ўчириш усуллари, моддалари ва воситалари, бино ва иншоотларни ёнғин хавфсизлигини таъминлаш асослари, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш хизмати, кимё саноатида ёнғинларни ўчиришни ҳисоби, ёнғин пайтида одамларни бинолардан эвакуация қилиш масалаларининг назарий ва амалий асосларини ўрганишни ўзида қамраб олган.

### **II. Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулнинг мақсади:** Тингловчиларга ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ёнғин чиқсан тақдирда унинг ривожланиши ва тарқалиб кетишининг олдини олиш,

моддий бойликларни, инсон ҳаёти ва саломатлигини сақлаб қолишга қаратилган чора - тадбирлар бўйича билимларини ривожлантиришдан иборат.

### **Модулнинг вазифаси:**

- ёнғин хавфсизлигини таъминлаш асослари маълумотлар бериш;
- ёнғин хавфсизлиги бўйича асосий меъёрий-хукуқий хужжатлари ва ёнғин шароити ва оқибатлари таҳлил қилиш;
- ёнғинни ўчириш усуллари, моддалари ва воситалари ҳақида билимларини бойитиш;
- бино ва иншоотларни ёнғин хавфсизлигини таъминлаш асослари ўрганиш;
- ёнғин хавфсизлигини таъминлаш хизматитаҳлил қилиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш асослари” модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- ёниш ва портлаш жараёни турлари ва чегаралари;
- материалларни ёниш ва портлаш хоссалари;
- портлаш жараёни ва унинг зарар етказувчи омиллари;
- бирламчи ўт ўчириш воситалари;
- ёнғин хавфсизлиги бўйича асосий меъёрий-хукуқий хужжатлари;
- ёнғин шароити ва оқибатлари таҳлили;
- ёниш ва портлаш натижасида ҳосил бўлган термодинамик ва зарбали тўлқинларнинг параметрлари;
- ишлаб чиқариш корхоналарини, бино ва иншоотларни ёниш ва портлаш қўрсаткичи бўйича тоифаларига бўлиниши;
- ёнғинни аниқловчи ва хабар бериш воситалар, уларнинг турлари ва ишлаш усулларини **билиши** лозим

#### **Тингловчи:**

- аҳолини ёнғин ва портлаш содир бўлган ҳолатлардан муҳофаза қилиш;

- иссиқлик таъсири натижасида пайдо бўладиган ёнишни тажриба синов йўллари орқали аниклаш;
- ишлаб чиқариш корхоналари ва худудларида содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин ва портлаш вақтида тезкор ҳаракат қилиш;
- ёнғин ва портлаш юз бергандა аҳолини ва моддий бойликларни эвакуация қилиш;
- ёнғин ва портлаш содир бўлган шароитда ўзига ва ўзаро тиббий ёрдам кўрсатиш;
- ёнғин ва портлаш содир бўлганда бирламчи ўт ўчириш воситалари, ўт ўчиргичлар, сув таъминоти ва бошқа воситалардан фойдаланиш;
- ёнғин хавфсизлиги талаб ва хавфсизлик талабларини тез ва қатъийлик билан бажариш **кўникумаларига эга бўлиши керак.**

**Тингловчи:**

Ўз бўлажак касбининг моҳияти ва ижтимоий аҳамияти тўғрисида, хавфхатарларни идентификациялаш хавфсизликни таъминлаш тамойиллари, услублари ва воситаларини таҳлил қилиш, фаолиятнинг хавфсиз шароитларини лойиҳалаш бўйича **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш асослари” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан; ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

**III. Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш асослари” модули ўқув режадаги қуйидаги фанлар билан боғлиқ: “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги”, “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” ва “Мехнат муҳофазасининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари” модуллари билан ўзвий боғлиқ.

#### **IV. Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш усулларини, метрологик хизматдаги ва ўлчашлар бирхиллигини таъминлашни амалга оширишдаги ўрнини белгилаш, қиёслаш ва калибрлаш натижасида олинган натижаларни қайта ишлаш йўллари ва услубларига доир касбий компетентликка эга бўладилар.

#### **Модуллар бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Жами	Назар	Амалий	Машғулот
				Кўчма	Машғулот
1.	Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш асослари. Ёнгин хавфсизлиги бўйича асосий меъёрий-ҳуқуқий хужжатлари	2	2		
2.	Ёнгинни ўчириш усуллари, моддалари ва воситалари	2	2		
3.	Бино ва иншоотларни ёнгин хавфсизлигини таъминлаш асослари	6	2		4
4.	Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш хизмати.	2	2		
5.	Кимё саноатида ёнгинларни ўчиришни хисоби	2		2	
6.	Ёнгин пайтида одамларни бинолардан эвакуация қилиш	2		2	
7.	Автоматик ёнгиндан дарак берувчи огоҳлантириш курилмаларини ҳисоблаш	2		2	
8.	Нафас олиш жараёнида газ ва тутунларнинг инсон организмига таъсирини ҳисоблаш	2		2	
	<b>Жами:</b>	<b>20</b>	<b>8</b>	<b>8</b>	<b>4</b>

#### **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш асослари.**

Ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий - меъёрий асослари. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсати.

**2-мавзу: Ёнгин хавфсизлиги бўйича асосий меъёрий-хуқуқий хужжатлари ва ёнгин шароити ва оқибатлари таҳлили.**

Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш қоидаларини ишлаб чиқиш, стандарт лойиҳалари, техник шартлар ва бошқа меъёр-амалиёт хужжатларини кўриб чиқиш тартиби. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёнгин хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки. Фуқароларнинг ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

**3-мавзу: Ёнгинни ўчириш усуллари, моддалари ва воситалари.**

Ёнгинни ўчириш усуллари. Ўт ўчирувчи моддалар, уларнинг турлари ва хоссалари. Ўт ўчириш воситалари, уларнинг турлари, ишлаш принциплари. Ўт ўчириш воситаларининг ёнгин тури бўйича қўлланилиши. Ўт ўчириш воситаларининг меъёрий микдорлари. Ёнгинни ўчириш қурилмалари ва техникаси, турлари ва қўлланиш соҳалари.

**4-мавзу: Бино ва иншоотларни ёнгин хавфсизлигини таъминлаш асослари.**

Бино конструктив элементлари ва материалларининг оловга чидамлилиги. Модда ва материалларининг ёнувчанлик бўйича гурухланиши. Бино ва иншоотлар конструктив элементларининг оловга чидамлилиги, чидамлилик чегаралари. Материалларнинг оловга чидамлилигини ошириш йўллари. Антиприенлар ҳақида маълумот. Паст молекулали ва юкори молекулали антиприенлар, уларнинг фарқлари, афзалликлари ва камчиликлари. Ўтдан ҳимоя қилишда қўлланиладиган таркиблар. Уларни қўллаш соҳалари.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот. Кимё саноатида ёнгинларни ўчиришни хисоби.** Ёнгинларни ўчирилишини ташкил этиш тартиби. Турли органлар, ташкилотлар ва хизматлар ўртасида ёнгинларни ўчиришдаги ҳамкоркикни тартибга солиш.

Ёнгинни ўчириш раҳбари, унинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини таҳлил қилиш.

## **2-амалий машғулот. Ёнгин пайтида одамларни бинолардан эвакуация қилиш хисоби .**

Мажбурий эвакуация жараёни. Эвакуация режаси. Одамлар оқимининг ҳаракат ўлчамлари. Эвакуация ёъллари ва ўлчамлари. Эвакуация вактини аниқлаш.

**3-амалий машғулот. Ёнгинни ўчириш усуллари, моддалари ва воситалари.**  
Ёнгинни ўчириш усуллари. Ўт ўчирувчи моддалар, уларнинг турлари ва хоссалари. Ўт ўчириш воситалари, уларнинг турлари ва принциплари. Ўт ўчириш воситаларининг ёнгин тури бўйича қўлланилиши. Ўт ўчириш воситаларининг меъёрий миқдорларини ўрганиш.

## **4-амалий машғулот. Ёнгин дарак берувчи воситалар, турлари ва ишлаш принциплари.**

Ёнгин даракчилари, турлари ва ишлаш принциплари. Ёнгинни ўчиришда автоматик тизимлар, уларнинг турлари ва ишлаш принциплари. Ёнгин алоқа тизимини таҳлил қилиш.

## **КЎЧМА МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **Мавзу: Бино ва иншоотларни ёнгин хавфсизлигини таъминлаш асослари.**

Мавзулар бўйича кўчма машғулотларни Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, фуқоро муҳофазаси институти ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги. Тез ҳаракат қилиш Республика кўп тармоқли марказларига олиб бориш режалаштирилган.

### **Таълимни ташкил этиш шакллари**

Таълимни ташкил этиш шакллари аниқ ўқув материали мазмуни устида ишлаётганда ўқитувчини тингловчилар билан ўзаро ҳаракатини тартиблаштиришни, йўлга қўйишни, тизимга келтиришни назарда тутади. Модулни ўқитиш жараёнида қўйидаги таълимнинг ташкил этиш шаклларидан фойдаланилади:

маъруза;

амалий машғулот.

Ўқув ишини ташкил этиш усулига кўра:

жамоавий;

гуруҳли (кичик гуруҳларда, жуфтликда);

якка тартибда.

**Жамоавий ишлаш** – Бунда ўқитувчи гуруҳларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув мақсадига эришиш учун ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

**Гуруҳларда ишлаш** – бу ўқув топширигини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гуруҳларда ишлашда (3 тадан – 7 тагача иштирокчи) фаол роль ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Ўқитиш методига кўра гуруҳни кичик гуруҳларга, жуфтликларга ва гуруҳларора шаклга бўлиш мумкин.

*Бир турдаги гуруҳли иш* ўқув гуруҳлари учун бир турдаги топширик бажаришни назарда тутади.

*Табақалашган гуруҳли иш* гуруҳларда турли топширикларни бажаришни назарда тутади.

**Якка тартибдаги шаклда** - ҳар бир таълим олувчига алоҳида- алоҳида мустақил вазифалар берилади, вазифанинг бажарилиши назорат қилинади.

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **«Тушунчалар таҳлили» методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;  
ўкувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурухли тартибда);  
ўкувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;  
белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;  
ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

<b>Тушунчалар</b>	<b>Мазмуни</b>
<b>Ёнғин</b>	
<b>Ёнғин назорати</b>	
<b>Ёнғинлар профильактикаси</b>	
<b>Ёнғиндан сақлаш хизмати</b>	
<b>Ёнғин хавфсизлиги</b>	
<b>Ёнғин хавфсизлиги талаблари</b>	
<b>Ёнғинга қарши режим</b>	
<b>Ёнгинни олдини олии системаси</b>	

## Методнинг мавзуга тадбиғи


<b>Тушунчалар</b>	<b>Мазмуни</b>
<b>Ёнғин</b>	одамларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига, шунингдек атроф табиий муҳитга зарар этказадиган, назорат қилиб бўлмайдиган ёниш
<b>Ёнғин назорати</b>	ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя - қилинишини текшириш ва текширув натижалари бўйича чоратадбирлар кўриш мақсадида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолият
<b>Ёнғинлар профильактикаси</b>	ёнғинлар келиб чиқиши эҳтимолини истисно этишга вауларнинг оқибатларини камайтиришга қаратилган огоҳлантириш чоратадбирлари мажмуу
<b>Ёнғиндан сақлаш хизмати</b>	— одамларнинг ҳаёти ва соғлигини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, атроф табиий муҳитни ёнғинлардан ҳимоя қилиш, шунингдек объектларда, аҳоли пунктларида ҳамда бошқа худудларда ёнғинхавфсизлигини талаб даражасида сақлаб туриш мақсадида белгиланган тартибда ташкил этилган бошқарув органлари, кучлар вавоситалар мажмуи
<b>Ёнғин хавфсизлиги</b>	одамларнинг, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкининг, шунингдек атроф табиий муҳитнинг ёнғинлардан ҳимояланганлиги ҳолати
<b>Ёнғин хавфсизлиги талаблари</b>	ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қонун хужжатларида белгиланган ижтимоий ва (ёки) техник хусусиятга эга маҳсус шартлар
<b>Ёнғинга қарши режим</b>	ёнғин хавфсизлиги талаблари бузилишининг олди олинишини ваёнғинлар ўчирилишини таъминлаш юзасидан одамларнинг хатти-ҳаракат қоидалари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва (ёки) биноларни (худудларни) сақлаш тартиби
<b>Ёнғинни олдини олии системаси</b>	ёнғин содир бўлиш шароитларини бартараф этишга қаратилган ташкилий тадбирлар ва техник воситалар мажмуидан иборатдир

## “Венн диаграмма” методи

Бунда таълим олувчиларда мавзуга нисбатан тахлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. Усул кичик гуруҳларни шакллантириш асосида схема бўйича амалга оширилади.

Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўртта бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка схема чизилади. Бу усул ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билимлар, маълумотларни қиёсий тахлил этишга ёрдам беради. Бундан муайян билим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этиҳда фойдаланиш самаралироқдир. Усул қуидагича амалга оширилади:

- таълим олувчилар тўрт гуруҳга бўлинади;
- ёзув тахтасига топширикни бажариш моҳиятини акс этгирувчи схема чизилади;
- ҳар бир гурухга ўзлаштирилаётган мавзу юзасидан алоҳида топшириқлар берилади;
- топшириклар бажарилгач, гурух аъзолари орасидан етакчилар танланади;
- етакчилар гурух аъзолари томонидан билдирилган фикрларни умумлаштиради;
- ёзув тахтасида акс этган диаграммами тўлдирадилар.



Мавзуга табдиғи:

**Ёнғин (үт) үчириш усуллари:**

- 1.Сув билан үчириш
- 2.Буғ ёрдамида үчириш
- 3.Кўпик билан үчириш

Тингловчиларни кичик гурӯҳлага бўламиз “Венн диограмма” методи асосида Хар бир ўт учуриш усуларнинг ўзига хос томнларини хамда умумий томонларини топиб ёзади хамда тақдимот қиласди.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

**1-маъруза: Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш асослари. Ёнгин хавфсизлиги бўйича асосий меъёрий-хукуқий хужжатлари.**

#### **Режа**

- 1 Ёнгин хавфсизлиги тамиллашнинг асослари
- 2 Ёнгиннинг тарқалишини олдини олиш тизими
- 3 Ёнгин ва портлашлар тушунчаларининг моҳияти.
4. Ёнгин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун хужжатлари
5. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

#### **1 Ёнгин хавфсизлиги тамиллашнинг асослари**

”Ёнгин хавфсизлиги“ фанининг ўқитилишидан мақсади - бўлажак мутахассисларга турли тусдаги ёнгин ва портлаш юз берганда инсон ҳаётини, фуқароларни, шунингдек моддий бойликларни муҳофаза қилиш, талафот олганларга бирламчи тиббий ёрдам бериш ҳамда иқтисодиёт тармоқларини ва моддий бойликларни ёнишдан. куйиб нобуд бўлишдан сақлаш тадбирлари ва қоидаларини ўргатишдан иборат.

Ўқув фанини ўрганишнинг асосий вазифалари: ёниш ва портлаш параметрларини амалий ва тажриба йўллари билан аниқлаш, ёниш жараённинг потенциал портлаш хавфлилигини таҳлил қилиш, жараённинг термодинамик ва экзотермик параметрларини аниқлаш усуулларига ўргатиш, ёнгин ва портлаш юз берганда фуқаролар муҳофазасини ва моддий бойликларни асрashни ташкил этиш, зарбали тўлқинларда босимни ҳисоблаш, қурилиш конструкцияларини ўтга бардошлилигини ошириш, материалларни ёнмайдиган тоифага ўтқазиш, ёниш жараённинг турли параметрлари – ўз - ўзидан аллангаланиш, чақнаш ҳарорати, ўз ўзидан ёниш, кислород индекси ва бошқаларни аниқлаш, куйган ва талафот олганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва бошқа муҳим вазифаларни бажара оладиган билим, қўникма ва қасбий малакага эга инсонни тарбиялашга қаратилган.

**Ёнгин** – бу маҳсус манбадан ташқаридан содир бўладиган ва катта материал заар ҳамда талофатлар келтириб чиқарадиган назоратсиз ёниш жараёнидир.

**Объектнинг ёнгин хавфлилиги** деганда, объектнинг ёнгин содир бўлиши мумкин бўлган ҳолати ва ёнгиннинг оқибатлари тушунилади.

**Объектнинг ёнгин хавфсизлиги** деганда, белгиланган меъёрлар ва талаблар асосида объектда ёнгин содир бўлиш хавфи ҳамда унинг хавфли ва заарли факторларини инсон ҳаётига таъсири чекланган, объектдаги материаллар тўлиқ ҳимояланган ҳолати тушунилади.

Ёнгин вақтида содир бўладиган турли хил хавфли ва заарли омиллар таъсирида материал бойликлар нобуд бўлиши ва баҳтсиз ҳодисалар рўй бериши мумкин. Ёнгиннинг хавфли ва заарли омилларига асосан қуйидагиларни киритишимиз мумкин: очиқ аланса, атроф-муҳитнинг ва ёнгинда қолган буюмларнинг юқори ҳарорати, ёниш вақтида ҳосил бўладиган турли хил заҳарли газ ва буғлар, тутунлар, кислороднинг кам концентрацияда бўлиши, қурилиш конструкциялари ва материалларининг қулаб тушаётган қисмлари, ёнгин вақтида содир бўладиган портлаш, портлашдаги тўлқин зарбаси, портлаш таъсирида учеб кетган материаллар ва заарли моддалар. Юқорида келтирилган омилларнинг хавфлилик даражаси биринчи навбатда ёнгиннинг давомийлик вақтига боғлиқ бўлади ва у қуйидаги ифода орқали аниқланади;

$$T_{\bar{e}} = N / v$$

бу эрда  $N$  – ёнувчи моддалар миқдори,  $\text{кг}/\text{м}^3$

$v$  – моддаларнинг ёниш тезлиги,  $\text{кг}/\text{м}^3$  соат.

Агар бинода турли хил қаттиқ ва суюқ материаллар ҳамда моддалар мавжуд бўлса, ёнгиннинг давомийлик вақтини қуйидагича аниқлаш мумкин,

$$T_{\bar{e}} = \frac{S_r}{6S_0} \left( \frac{g_1}{n_1} + \frac{g_2}{n_2} + \dots + \frac{g_m}{n_m} \right)$$

бу эрда  $g_1, g_2 \dots g_m$  -турли хил ёнувчи маҳсулотларнинг миқдори,  $\text{кг}/\text{м}^2$ ;

$S_x$  - бинонинг юзаси,  $\text{м}^2$ ;

$S_o$  - бинодаги деразаларнинг юзаси,  $\text{м}^2$ ;

6 - бино юзасининг бино деразалари юзасига нисбати,  $C_x/C_o=4...10$ ;  
н<sub>1</sub>,н<sub>2</sub>,...,н<sub>M</sub> - модда ва материалларнинг ёниш тезлигини ҳисобга олиш коэффициенти, кг/м<sup>2</sup>соат. Ушбу коэффициент беризин учун -15; резина, оргстекло учун -35; автомобиль шинаси учун- 40; ёғоч материалар учун - 65 га тенг деб қабул қилинади.

Маълумки ёнгинни ўчиришга нисбатан уни олдини олиш ҳам осон, ҳам фойдалидир. Шу сабабли, ҳар бир мутахассис, ҳар бир ходим ишлаб чиқаришдаги ёнгин сабабларини билиши, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиши ва ёнгинни олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириши зарур. Шунга боғлиқ ҳолда объектнинг ёнгин хавфсизлиги - ёнгинни олдини олиш системаси, ёнгинга қарши ҳимоя системаси, ёнгиннинг тарқалишини олдини олиш системаси ва ташкилий-техник тадбирлар орқали таъминланади.

**Ёнгинни олдини олиши системаси** – ёнгин содир бўлиш шароитларини бартараф этишга қаратилган ташкилий тадбирлар ва техник воситалар мажмуидан иборатdir.

Ушбу тадбирлар ишлаб чиқаришда мумкин қадар кўпроқ ёнмайдиган ва қийин ёнадиган материалларни ишлатиш, технологик жараёнларни тўлиқ механизациялаш ва автоматлаштириш, ёнгинга хавфли қурилмалар ўрнатилган хоналарни ёнмайдиган материаллар билан бошқалардан ажратиш ёки уларни мумкин қадар ташқарида ўрнатиш, ёнувчи моддалар учун герметик идишлар ва жихозлардан фойдаланиш, бино ҳавоси таркибидаги ёнувчи газ, буғ ва чанглар миқдорини рухсат этилган даражада сақлаш, иситиш жихозларидан тўғри фойдаланиш ва шу каби бошқа тадбирлар орқали амалга оширилади.

Ёнувчи муҳитда ёнгинга олиб келувчи манбанинг ҳосил бўлишини олдини олиш эса, ишлаб чиқаришда ёнгин манбасини ҳосил қилмайдиган машиналар, механизмлар ва жихозлардан фойдаланиш, машина ва механизмлардан фойдаланиш қоидалари ва режимларига тўлиқ риоя этиш, электр статик зарядлари ва яшинга қарши ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, материаллар ва

моддаларнинг иссиқлик таъсирида, химиявий ва микробиологик усулда ўз-ўзидан алангаланиш шароитларини бартараф этиш, белгиланган ёнгинга қарши тадбирларни тўлиқ амалга ошириш, бино чегарасини даврий равишда тозалаб туриш каби тадбирлар орқали амалга оширилади.

**Ёнгинга қарши ҳимоя системаси** - ёнгин ўчириш жиҳозлари ва техникаларидан, ёнгиннинг хавфли омилларидан ҳимоя қилувчи шахсий ва жамоа ҳимоя воситаларидан, ёнгин сигнализацияси ва ёнгин ўчириш системасининг автоматик қурилмаларидан фойдаланиш, объектнинг конструкциялари ва материалларига ёнгиндан ҳимояловчи таркибли бўёклар билан ишлов бериш, тутунга қарши ҳимоя системалари, эвакуация йўллари бўлишини таъминлаш, бинонинг ёнгин мустаҳкамлилиги даражасини тўғри танлаш каби тадбирларни ўз ичига олади.

## **2 Ёнгиннинг тарқалишини олдини олиш тизими**

**Ёнгиннинг тарқалишини олдини олиш системаси** ёнгинга қарши тўсиқларни ўрнатиш, қурилмалар ва иншоотларда авария ҳолатида ўчириш ва қўшиш жиҳозларидан ва ёнгиндан тўсувчи воситалардан, ёнгин вақтида ёнувчи суюқликларнинг тўқилишини олдини оловчи воситалардан фойдаланиш каби тадбирлар орқали амалга оширилади.

**Ташкилий-техник тадбирларга ёнгиндан** ҳимояланиш хизматини тузиш, уни техник жиҳозлар билан таъминлаш, ёнгин хавфсизлиги бўйича объектдаги моддалар, материаллар, жиҳозлар, қурилмалар ва технологик жараёнларни паспортлаштириш, ёнгин муҳофазаси бўйича мутахассислар тайёрлаш ва уларни ўқитиш, ёнгин хавфсизлиги бўйича йўриқномалар ва ахоли ўртасида турли хил тадбирлар ўtkазиш, ёнгинга қарши кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва бошқа шу каби тадбирлар киради.

Саноат корхоналарида содир бўлайтган ёнгин, портлаш кўплаб моддий зарарга, одамларни қурбон бўлишига олиб келади. Туар жой, жамоат бинолари, хомашӣ, маҳсулотлар, ускуна, дастгохлар, ишлаб чиқариш бинолари, тайир

махсулотлар (ёнувчан хусусиятига эга бўлганлиги учун) йниб кетади. Натижада, хўжалиги ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Ёнгин хакидаги маълумотлар собиқ иттифоқ, Ўзбекистон ва чет эл давлатлари мисолида кўпдир. Брюссел (унив. Магазин, 1967й.), Сеул (мехмонхона, 1971й.), Сан-Паулу (мехмонхона, 1972, 1974й.), Япония (универмаг), Бразилия (банк), АҚШ (Янги Орлеан шахри), Россия меҳмонхонаси (1977й.), Москва меҳмонхонаси (1990й., Ленинград), Жиззах (мехмонхона, 1988й.), Янгиюль (МЕЗ), Бекобод металлургия комбинати, Чирчик эл. хим. комбинати (1978й.), Тошкент ёғ-мой комбинати ва бошқалар мисол бўлади.

Дунйда ҳар 10 секундда, жаъми 5 млн. ёнгин содир бўлмокда. Иттифоқда эса ёнгин 8500 ни ташкил этади, зарап 1 млн. сўмдан кўп. Ўзбекистон Республикаси ИИВ маълумотига қараганда, Ўзбекистонда 1991 йили 24000 ёнгин содир бўлиб, 241 киши ўлган, 23 млн. сум зарап бўлган. Ёнгинни 20% электр токи таъсиридан содир бўлган. 1992 йили Тошкент шахрида 2489 ёнгин бўлиб, 183 киши халок бўлди, 367 млн. сум зарап келтирилди. 1993 йилни 9 ойида Ўзбекистонда 16000 ёнгин бўлиб, 209 киши халок бўлди, зарап 386 млн. сумни ташкил этди. 1998 йилда Тошкентда 2573 ёнгин содир бўлиб, 236 млн. сум зарап курилди. 38 одам (8 бола) халок бўлди, 78 одам жарохатланди.

2004 йилда Ўзбекистонда 13081, 2005 йилда 12100, 2006 йилда 11216, 2007 йилда 11700, 2008 йил 10 ойида 11000 ёнгин содир бўлди корхона ташкилот ва шахсий уйларда.

Саноат корхоналарини, туарар-жой биноларини ёнгин, портлашдан химоялаш давлатни муҳим ва бош вазифаларидан бири хисобланади. Бу вазифани бажариш технологик ускуналардан тўғри фойдаланиш, бино, қурилма, иншоотларни ёнгинга қарши умумий нормаларга асосланиб тўғри лойихалаш, кўриш билан узвий боғланган. Ишлатиладиган қурилиш материалларини, жихозларни ёнувчанлигини аввалдан хисобга олиш, кайта ишланадиган, олинадиган модда, махсулотларни ёнишга мойиллигини, физикавий-кимёвий хусусиятларини эътиборга олиш бажарилайтган технологик жаройнларни ёнгин

хавфсизлигини таъминлашда ва ундан огоҳлантиришда, одамларни хавфсизлигини таминлашда аҳамиятлидир. Бу мақсадда ёнғинга қарши кўлланиладиган умумий норма талабларига мос тушадиган ва амалга ошириладиган техникавий эчилмалар, тадбир-чоралар ишлаб чиқилиб, корхоналарда, ишлаб чиқаришда жорий этиш талаб қилинади, шу жумладан қаттиқ назорат олиб борилади.

**Ёнғин** — одамларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига, шунингдек атроф табиий муҳитга заарə этказадиган, назорат қилиб бўлмайдиган ёниш;

**Ёнғин назорати** — ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя - қилинишини текшириш ва текширув натижалари бўйича чора-тадбирлар кўриш мақсадида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолият;

**Ёнғинлар профильятикаси** — ёнғинлар келиб чиқиши эҳтимолини истисно этишга вауларнинг оқибатларини камайтиришга қаратилган огоҳлантириш чора-тадбирлари мажмуи;

**Ёнғиндан сақлаш хизмати** — одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, атроф табиий муҳитни ёнғинлардан ҳимоя қилиш, шунингдек обьектларда, аҳоли пунктларида ҳамда бошқа ҳудудларда ёнғинхавфсизлигини талаб даражасида сақлаб туриш мақсадида белгиланган тартибда ташкил этилган бошқарув органлари, кучлар вавоситалар мажмуи;

**Ёнғин хавфсизлиги**— одамларнинг, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкининг, шунингдек атроф табиий муҳитнинг ёнғинлардан ҳимояланганлиги ҳолати;

**Ёнғин хавфсизлиги талаблари**— ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган ижтимоий ва (ёки) техник хусусиятга эга маҳсус шартлар;

**Ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилиши**— ёнғин-хавфсизлиги талабларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик;

Ёнгин - техник маҳсулоти ёнгин хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган маҳсус техниқ, илмий-техник ва интеллектуал маҳсулотлар, шужумладан ёнгинни ўчириш техникаси ва асбоб-ускуналари, ёнгинни ўчириш аслаҳа-анжомлари, оловни ўчириш ваоловдан ҳимоя қилиш моддалари ҳамда материаллари, — маҳсус алоқа ва бошқариш воситалари, электрон ҳужжатлар, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базалари, шунингдек ёнгинларнинг олдини олиш ҳамда уларни ўчиришнинг бошқа воситалари;

**Ёнгинга қарши режим** — ёнгин хавфсизлиги талаблари бузилишининг олди олинишини ваёнгинлар ўчирилишини таъминлаш юзасидан одамларнинг хатти-ҳаракат қоидалари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва (ёки) биноларни (худудларни) сақлаш тартиби;

Ёнгинга қарши алоҳида режим — ёнгин хавфи юқори бўлган даврда муайян ҳудудларда қонун ҳужжатларига мувофиқ ёнгин хавфсизлигининг қўшимча талабларини белгилаш киради.

### **3 Ёнгин ва портлашлар тушунчаларининг моҳияти.**

Ёнгинлар ишлаб чиқариш корхоналари, ҳалқ ҳўжалигини ҳамма тармоқлари, қишлоқ ҳўжалиги ва турар жой массивларида юз бериши мумкин бўлган, этказадиган зарари жиҳатидан табиий оғатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Ёнгинлар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир баҳтсиз ҳодисалар заҳарланиш, куйиш билан билан бирга кишилар ҳаётини олиб кетган ҳоллар кўплаб учрайди.

Шунинг учун ҳам ёнгинга қарши кураш барча фуқароларнинг умумий бурчи ҳисобланади ва бу ишлар давлат миқёсида амалга оширилади.

Умуман ёнгин чиқмаслигини таъминлаш, ёнгин чиққан тақдирда ҳам унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини кўриш, биринчидан моддий бойликларни сақлаб қолишга қаратилган чора-тадбирлар бўлса, иккинчи томонидан эса, инсон саломатлиги ва унинг ҳаётини сақлаб қолиш чора-

тадбирлари амалга оширилиши, бу масалалар меҳнатни муҳофаза қилишнинг таркибий қисми эканлигидан далолат беради.

**1. Ёнгин хавфсизлиги:** аҳолининг, халқ хўжалиги ва бошқа мақсадларга мўлжалланган объектларни ҳамда табиий атроф - муҳитни ёнгиннинг хавфли омилларидан ва таъсиридан муҳофазалашганлик ҳолатига, одамлар ва моддий бойликларни тезкор эвакуация қилиш, ёнгинни чеклаш ва ўчириш учун шароит яратиш.

**2. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш:** хуқуқий—меъёрий ҳужжатларни, ёнишдан хавфсизлик қоидалари ва талабларини қабул қилиш ва уларга риоя қилиш ҳамда ёнгинга қарши тадбирларни ўtkазиш.

**3. Ёнгин:** Д.ст, 051 982.2000 "Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Табиий фавқулодда вазиятлар. Атамалар ва таърифлар".

**4. Ёнгинхавфи:** ёнгин хавфсизлиги талабларининг бузилиши, тартиб ва чораларга риоя қилмаслик натижасида ёнгин пайдо бўлиши ва тарқалиш эҳтимоли.

**5. Ёнгинхавфсизлиги талаблари:** Ўзбекистон Республикаси маҳсус ваколатланган давлат органлари томонидан амалдаги қонунчилик ёки Меъёрий ҳужжатларда ёнгиндан хавфсизликни таъминлаш мақсадида ўрнатилган маҳсус шароит ёки ташкилий ва (ёки) техник хусусиятдаги қоидалар.

**6. Ёнгинга қарши тадбирлар:** ёнгинга қарши тартиб—қоидага риоя қилиш, ўз вақтида ёнгиннинг олдини олиш ва (ёки) тез ўчиришга қаратилган ташкилий ва (ёки) техник хусусиятдаги тадбирлар.

**7. Ёнгинга қарши ҳолат:** ўт ўчирувчилар командаси томонидан амалга ошириладиган, ёнгинга қарши тадбирларнинг доимий ўтказилиши, ёнгин хавфсизлиги қоидалариiga қатъий риоя қилиниши ва ёнгинга қарши хизматнинг аниқ бажарилиш ҳолати.

**8. Ёнғиндан сақлаш:** ёнғиннинг олдини олиш ёки түғридан-түғри үчириш мақсадида олибериладиган ҳуқуқий, ташкилий, техник ва бошқа тадбирлар тизими.

**9. Ёнғин ва портлаш хавфи мавжуд объект:** фавқулодда вазиятлар юз беришига аниқ таҳдид солувчи, энгил алангаланадиган ва ёнғин - портлаш хавфи мавжуд моддалар ишлаб чиқариладиган, фойдаланиладиган, қайта ишланадиган, сақланадиган ёки транпортда жұнатыладиган объект.

**10. Портлаш:** модданинг физик ва кимёвий үзгариши туфайли чегараланган ҳажмда катта миқдорда энергия ажралиб чиқиши натижасида теварак - атрофда техноген фавқулодда вазиятлар содир бўлишга ёки келтириб чиқаришга қодир бўлган зарбали тўлқин ҳосил бўлиши ёки тарқалишига сабаб бўлувчи тез кечар жараён.

**11. Портлаш хавфи мавжуд модда:** маълум таъсир натижасида портлашга мойил бўлган модда.

**12. Зарба тўлқини:** портлаш натижасида ҳосил бўладиган ва бутун фронт бўйлаб босим, ҳарорат, зичлик ва муҳит заррачалари (умумий тезлик) үзгариши билан сиқилиш - ҳавоси сийракланган ҳолатда тарқаладиган ҳаво тўлқини.

**13. Зарба тўлқини фронти:** портлаш марказидан товуш тезлигидек юқори тезлиқда ҳаракатланувчи сиқилган ва мўътадил муҳит ўртасидаги бўлиниш юзаси.

**14. Зарба тўлқини фронтидаги ортиқча босим:** зарба тўлқини фронтидаги энг юқори босим ва фронт олдидағи мўътадил атмосфера босими орасидаги фарқ.

**4..Ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.** Ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушб у Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса,

халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда уларни ўчиришга қаратилган ҳукуқий, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техник чора-тадбирлар, шунингдек кучлар ва воситалар мажмуудан иборатдир. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими субъектлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролардир.

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари**

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
- Ёнғинхавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлайди;
- Ёнғинхавфсизлиги соҳасида давлат дастурларини тасдиқлайди вауларнинг амалга оширилишини назорат қиласи;
- Давлат вахўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ёнғинхавфсизлиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;
- Ёнғинхавфсизлиги соҳасида молиявий, моддий-техника таъминотини варесурслар билан таъминлашни амалга оширади;
- давлат эҳтиёжлари учун ёнғин-техник маҳсулотининг номенклатурасини, уни этказиб бериш ҳажмларини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги маҳсус ваколатли органнинг ваколатлари**  
Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги маҳсус ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматидир.

### **Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати:**

- ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг изросини таъминлайди;

-ёнғин ҳавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқади вауларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

-ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ёнғинни ўчириш -техникаси вабошқатехника воситалари билан жиҳозлашсоҳасида ягона техника сиёсатини амалга оширади;

-ёнғинларни ўчиришни, ёнғинзонасида қолган одамларни ҳамда юридик важисмоний шахсларнинг мол-мулкиникутқаришни амалга оширади;

-барча турдаги ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларининг ёнғинларни ўчиришга шайлиги ҳолати ва ёнғинлар профильактикасига доир ишларнинг бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

-ёнғин ҳавфсизлиги соҳасидаги норматив-хуқуқийхужжатларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилишида иштирок этади;

-ёнғин ҳавфсизлиги соҳасидаги техник регламентлар, стандартлар, нормалар, қоидалар вабошқанорматив хужжатлар ишлаб чиқилишида иштирок этади;

-давлат ёнғин назоратини амалга оширади;

-Ёнғин ҳавфсизлиги талабларидан асосли равишда четга чиқилган ёки бундай талаблар мавжуд бўлмаган тақдирдабинолар, иншоотларни ва бошқа объектларни қуриш, капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ватехник жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир лойиҳа хужжатларининг ёнғин ҳавфсизлиги талабларига риоя қилинишига тааллуқли қисмини кўриб чиқади; қурилиш учун майдонлар (трассалар) танлаш (ажратиш) -комиссиясининг, шунингдек қурилиши (реконструкцияси) тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш комиссияларининг ишида иштирок этади; ёнғинхавфсизлиги соҳасида ёнғинга қарши тарғиботни, ўқитишни ваахборот билан таъминлашни амалга оширади;

-ёнғин ҳавфсизлигининг илмий-техник жиҳатдан таъминланишини мувофиқлаштиради;

-ёнғин ҳавфсизлиги соҳасида лицензиялаш ва сертификатлаштиришни белгиланган тартибда амалга оширади;

- ёнғинлар вауларнинг оқибатлари ҳисобини юритади;
- давлат вахўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар вафуқароларга аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш ҳамда ёнғинларнинг олдини олишга доир тадбирлар ўтказиш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради;
- Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати қонун хужжатлариға мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## **5.Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари.**

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари (бундан буён матнда ваколатли органлар деб юритилади) ўз ваколатлари доирасида:

- ёнғин ҳавфсизлиги тўғрисидаги қонун хужжатларининг ижросини таъминлайди;
- ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишида иштирок этади вауларнинг амалга оширилишини ташкил этади;
- ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги норматив-хуқуқийхужжатларнинг лойихалари ишлаб чиқилишида иштирок этади;
- ёнғин ҳавфсизлиги соҳасидаги техник регламентлар, стандартлар, нормалар, қоидалар вабошқанорматив хужжатлар ишлаб чиқилишида иштирок этади;
- ёнғин назоратини ташкил этади;
- ёнғин ҳавфсизлиги соҳасидаги илмий тадқиқотлар вайшланмаларни мувофиқлаштиради;
- давлат эҳтиёжлари учун ёнғин-техник маҳсулотининг -номенклатурасини ишлаб чиқади ваҳажмларини белгилайди;
- ёнғинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш тизимини яратади;
- аҳоли пунктларида, ўта муҳим давлат, аҳамиятига молик ёки ёнғинвапортлаш ҳавфи юқори бўлган обьектларда,ижтимоий-маданий, саноат обьектларида

ҳамда бошқаобъектларда, худудлар вакоммуникацияларда ёнғинлар учирилишини ташкил этади; -ваколатли органлар қонун хужжатларига мувофиқ бошқа -ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Ишлаб чиқаришда қўлланиладиган замонавий технологияларнинг ёниш ва портлаш хавфсизлиги бўйича қандай категорияларга бўлинади?
2. Корхоналарнинг ёниш ва портлаш хавфларини башорат қилиш услубларига нималар киради?
3. Ёниш жараёнининг қандай турлари мавжуд?
4. Модда ва материалларнинг ёниш ва портлашга хавфлилиги қандай омилларга боғлиқ бўлади?
5. Ёниш жараёнининг ёнишда юзага келадиган физик-кимёвий жараёнларни қандай кечади?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Literature Review and Research Plan. Antifreeze Solutions in Home Fire Sprinkler Systems. Copyright Fire Protection Research Foundation June 2010
2. Худоев А.Е. тахрири остида. Ёнгин хавфсизлиги. 2- нашри. -Т.: Уз.Р. ИИВ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби. 2007. - 722 б.
3. Literature Review and Research Plan. Antifreeze Solutions in Home Fire Sprinkler Systems. Copyright Fire Protection Research Foundation June 2010.
4. “Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида”ти қонун. Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. -Т.: 2009 й., 40-сон.
5. Азимов Х.А. Бино ва иншоотларда ёнгин хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. - Т.: ТАҚИ, 2004.
6. Шомирзаев Х.Х. Теория просесов горений.-Ташкент: ТДТУ, 2004.
7. Кудратов А. ва б. Ҳаётий фаолият хавфсизлиги. Маъруза курси.-Т.: “Алоқачи”, 2005. -355 б.

8. О.Р.Юлдашев, Г.М.Гуломова, Ш.М.Нарзиев. Методические руководство для проведения лабораторных работ по предмету «Пожарная безопасность».-Т.: ТДТУ-2015.
9. Закон Республики Узбекистан «О пожарной безопасности».СЗ РУз.2009.
10. Положение «О государственном пожарном надзоре» (Приложение №1 к Постановлению КМ РУз от 04.10.2013 г. №272).СЗ РУз 2013.
11. Положение «О порядке осуществления учетной регистрации подразделений ведомственной и добровольной пожарной охраны» (Приложение №4 к Постановлению КМ РУз от 28.03.2013 г. №89).СЗ РУз 2013.
12. ШНК 5-2000. Нормы пожарной безопасности Республики Узбекистан.

**З-мавзу: Ёнғинни ўчириш усуллари, моддалари ва воситалари.**

**Режа**

1. Сув билан ўчириш
- 2.Буғ ёрдамида ўчириш
3. Махсус кимёвий воситалар ёрдамида ўчириш

Хар қандай ёнғинни ўчирганда ёнғиннинг кучайишига олиб келаётган омилларни ва шароитини аниқлаш муҳим ўринни эгаллайди. Бунда Ёнишнинг давом этишини тұхтатувчи шароит яратиш катта аҳамиятта зертталады. Ёнғинни ўчирганда қаттиқ жисмлар ёнғанда ёнғиннинг тезлиги 4 м/мин, суюқликлар юзаси бүйіча эса 30 м/мин эканлигини ҳисобға олиш керак.

Ёнишдан ҳосил бўлган маҳсулотлар асосан қаттиқ чангсимон моддалар, буғлар ва газлардан иборат бўлади.

Ундан ҳосил бўладиган ҳарорат эса, модданинг ёнғанда иссиқлик ажратиши ва ёниш тезлиги ва алланганинг тарқалиши, Шунингдек бинонинг ҳажми ва ҳаво алмашиш шароитларига боғлиқ бўлади. Юқори ҳарорат таъсирида қизиган тутун, ёниш маҳсулотларини тезликда тарқалишга ёрдам беради, Шунингдек хона тутунга тўлади ва бу ўз навбатида ёнғинни ўчиришга ҳалақит беради. ёнғин вақтида кўп миқдора инерт газлар, ёнувчи газлар ва Шунингдек тутун ажралиб чиқади. ёнувчи газларнинг асосий қисми заҳарли бўлиб, уларнинг

зарарли таъсири ёнаётган материалларнинг тури ва ёнишининг интенсивлигига боғлиқ. Зарарли таъсирчан ва заҳарли газлар Ёнғинга қарши муҳофаза қатламлари ёнгандада (бром бирикмалари ва хлор), ёғоч материаллар ( $\text{CO}$ ) полимер қурилиш материаллари ва бошқа жуда кўп ҳолларда ажралиб чиқади. Тўла ёниб бўлмаган ёниш маҳсулотлари қизигандан кейин ва соф оқими таъсирида қайтадан аланга олиб кетиши мумкин.

**Ёнғин (ўт) ўчириш воситалари ва усуллари. Ўт ўчириш усулари қўйидагича бўлиши мумкин:**

1. Ёнаётган зонани кўп миқдорда иссиқлик ютувчи материаллар ёрдамида совитиш.
2. Ёнаётган материалларни атмосфера ҳавосидан ажратиб қўйиш.
3. Ёнаётган зонага кираётган ҳаво таркибидаги кислород миқдорини камайтириш.
4. Махсус кимёвий воситаларни қўллаш.

Ўт ўчириш воситалари сифатида, сув, сув буғлари, кимёвий ва механик кўпиклар, инерт ва ёнмайдиган газлар, қаттиқ, парошоксимон материаллар ва махсус кимёвий моддалар ва аралашмалардан фойдаланилади.

**Сув билан ўчириш.** Сув энг кўп тарқалган арzon ва шунинг билан бирга ҳамма билган ўт ўчириш воситаси бўлиб, унинг билан ҳар қандай катта масштабдаги ва кичик миқдордаги ёнғинларни ўчириш мумкин (-расм). Сувнинг ўт ўчиришдаги асосий хусусияти унинг кўп миқдорда иссиқлик ютишига асосланган бўлиб, у тушган ёнаётган ўчоқнинг ҳароратини кескин камайтириб, ёнмайдиган ҳолатга олиб келади. 1 литр сувни  $1\text{ }^{\circ}\text{C}$  гача иситиш учун 4, 2 кДж иссиқлик сарфланади. Демак 1 литр сувни ҳаво ҳарорати  $20\text{ }^{\circ}\text{C}$  қайнаш ҳароратигача чиқариш учун 335 кДж иссиқлик сарфланади. Унинг буғга айланиши учун эса 2260 кДж иссиқлик сарфланади. Бундан ташқари 1 литр сув 1700 л парга айланишини ҳисобга олсак, унда ёнаётган зонадан кислородни сиқиб чиқариши ҳисобига яна аланганинг ўчиришини қўшимча таъминлайди. Сув билан реакцияга киришиши мумкин бўлган моддаларни, масалан ишқорий

эр металлар: калий, натрийларни сув билан ўчириб бўлмайди. Чунки бу металлар ҳаттоки 0 °C дан паст ҳароратда ҳам сув билан реакцияга киришиб сув таркибидан водородни сиқиб чиқаради, унинг ҳаво билан аралашмаси портлашга хавфли аралашма ҳосил қиласи. Шунингдек сув билан, кучланиш остида бўлган электр қурилмаларини ҳам ўчириб бўлмайди. Бунда ўчирувчи ҳаёти учун хавфли вазият вужудга келади. Чунки сув электр токини яхши ўтказади. Бундан ташқари ёнаётган кальций карбидни ҳам сув билан ўчириб бўлмайди, бунинг натижасида ацетилен ажралиб чиқиши портлаш хавфини вужудга келтиради.

Сув билан ўчиришда сувни кучли оқим сифатида, пуркаш йўли билан ва майда заррачалар сифатида ва шунингдек кўпиклантирилган ҳолатларда қўлланилиши мумкин. Кучли сув оқими сифатида ёнаётган зонага Йўналтирилган сув, биринчидан алангага зарба беради, иккинчидан Ёнаётган юзани совутади. Бу йўл билан алангалана ётган ёнғинларни узоқдан туриб ўчириш имкониятини тугдиради.

Бундай ёнғинларда яқин келиш имконияти, олов тафти кучли бўлганлигидан деярли бўлмайди. Кучли сув оқими бундай ёнғинга Йўналтирилганда асосан совутиш ҳисобига аланга сусаяди ва аланга тармоқлари сув кучи билан узиб юборилади. Аммо кучли сув оқими билан ҳар қандай ёнғинни ҳам ўчириш имконияти бўлавермайди. Масалан бундай усулда энгил алангаланувчи суюқликларни ўчиришда фойдаланиш аксинча заарли хulosага олиб келади. Чунки энгил алангаланувчи суюқликлар кучли сув оқими таъсирида катта майдоналарга тарқаба кетиши ва сувдан энгил бўлганлиги сабабли сув юзасида ўз ёнишини давом эттириши ёнғиннинг катта майдоналарга тарқаб кетишига сабабчи бўлади. Агар сувни пуркаш йўли билан ишлатилса, бунда сув зарраларининг катталиги 0, 1 мм дан кичкина бўлса, унда сув зарраларининг ёнувчи жисмлар билан туташиш юзалари катта бўлганлари сабабли ёнаётган зонадан иссиқликни ютиш катталашади, Шунингдек сув зарралари кичик ҳажмига эга бўлганлиги сабабли унинг буғланиши кучаяди, бу ўз навбатида

ўчиришнинг ҳавони сиқиб чиқариш омилини вужудга келтиради ва ўчириш ўз-ўзидан маълумки, тезлашади.

Сув пуркаш усулида биноларнинг ичидаги ёнғинларни ўчириш ҳам яхши натижа беради. Бу усул билан хонадаги ҳароратни пасайтириш ва тутунга қарши курашиш мумкин. Бу усулни қўллашда сувни бинонинг юқори қисмига пуркаш керак. Пуркашни шундай амалга ошириш керакки, пуркалган сув иложа борича кўпроқ ёниш маҳсулотлари билан тўқнашсин. Пуркалган сув заррачалари пастга қараб йўналади, кўтарилаётган иссиқлик билан тўқнашиб буғга айланади ва бу буғ йўналишини ўзгартириб юқорига қараб йўналади, бунинг натижасида ҳосил бўлган буғ хонанинг юқори томонини эгаллайди ва ёнаётган зонани босади. Йирикроқ заррачалар эса қизиб, пастга қараб йўналиш даврида ёнишдан ҳосил бўлган маҳсулотлар билан бирикиб пастроққа ёниш ўчогига йўналади ва бу эрда парланиб яна ҳавонинг ўрнини эгаллайди. Бу билан ажralаётган тутуни босим хонани совутади, кислородли ҳавонинг кириш йўлини босим ортиши ҳисобига камайтиради. Бу эса ёнғинни ўчириш имкониятини яратади. Сув пуркаш йўли билан 120 °C ҳароратдан юқори ҳароратларда чақнаши мумкин бўлган ёнувчи суюқликларни ўчиришда ҳам фойдаланиш мумкин.

### **Буғ ёрдамида ўчириш**

Баъзи бир ишлаб чиқариш корхоналарида жуда кўп микдорда буғ ҳосил бўлиши мумкин. Бундай корхоналарда ёнғин чиққан тақдирда буғдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Буғ билан ўчиришнинг асосий моҳнати, буғнинг хоналарга юборилиши натижасида у, бу хонадаги кислородга бой ҳавони сиқиб чиқариб, унинг ўрнини эгаллашга асосланган. Буғнинг ўт ўчириш самарадорлиги унинг маълум бир хонага юборилган микдорига боғлик бўлади. Бунда буғ ёнаётган хонадаги асосий бўшлиқларнинг ҳаммасини тўлдириб, кислородли ҳавони бутунлай сиқиб чиқариши керак. Бунда ҳосил бўладиган ортиқча намлик ўт ўчиришнинг асосий воситаси бўла олмайди. Буғ билан ўт ўчиришнинг мазмунини қуйидагича тушунтириш мумкин. ёнғин бўлаётган хонага қисқа муддат ичida (5-10 минут) кўп микдорда тўлгунча пар


юборилади ва парнинг чиқиб кетиши мумкин бўлган тирқишларни иложи борича беркитилади. Буг хонани бутунлай қоплаб у эрдаги кислородли ҳавони қисман сикиб чиқаради, қолган қисмида, хонанинг ёнғин ҳисобига ва юборилган пар ҳисобига  $+85^{\circ}\text{C}$  дан ортиқ исиб кетганлиги сабабли кислород миқдори 31% га қисқаради ва хонадаги кислород миқдори 15-16% га камаяди. Бу эса Ёнғинни давом этиши учун имкониятини йўқотади.

**Кўпик билан ўчириш.** Кўпик бу майдалангандан система бўлиб, бунда газлар бир-биридан суюқликнинг таранг сиртлари билан ажратилган бўлади. Кўпик ҳосил қилиши учун газ зарраларини сув қобиғи билан ўраш, яъни ҳаво зарраларини сувга сингдириш керак. Ишқорлар билан кислоталар аралашмасининг химиявий реакцияси, Ёки сув билан кўпик ҳосид қилувчи модда ва ҳаво аралашмасини механик аралаштириш асосида кўпик ҳосил қиласи. Кимёвий кўпик 80% карбонат ангидрид гази, 19 % сув ва 0,3 % кўпик ҳосил қилувчи моддадан ташқил топади. Механик кўпиклар эса 90 % ҳаво, 9,6 % сув ва 0,44 % кўпик ҳосил қилувчи моддадан иборат бўлади. Қаттиқ моддалар ва асосан энгил аллангаланувчи суюқликлар ёниб кетганда кўпик билан ўчириш яхши натижа беради. Чунки энгил аллангаланувчи суюқликлар солиштирма оғирлиги сувдан энгил ва улар сув билан ўчириб бўлмайди.


Кўпик билан ўчиришнинг асосий хусусияти, у энгил аллангаланувчи суюқлик юзасини ёки қаттиқ жисм юзасини юпқа кўпик қавати билан қоплаши натижасида, ёнаётган модда билан ҳаводаги кислород ўртасида тўсиқ ҳосил қиласи. Бу тўсиқнинг мустаҳкамлиги кўпикнинг турганлик ҳоссасига боғлиқ бўлади. Чунки кўпик энгил аллангаланувчи суюқликдан анча энгил бўлганлиги сабабли унинг юзасида муҳофаза қобиғи ташқил қиласи ва бу қобиқ суюқлик парлари ҳосил бўлишига тўсқинлик қиласи ва Шунингдек кислород кирмаслигини таъминлайди. Агар кўпикнинг турғунлиги кам бўлса, унда суюқлик юзасида узилиш ҳосил бўлиши мумкин, яъни таранг тортилиб турган парда очилиб кетиши мумкин, бу эса албатта аллангаланишнинг қайтадан бошланишига шароит яратади. Бундан ташқари кўпикнинг иссиқлик ўтказиши

хусусияти жуда паст бўлганлигидан, ёнаётган юзадан иссиқликни суюқлик юзасига таъсир этишига тўсиқлик қилади. Кимёвий кўпиклар асосан қўлда ишлатиладиган ўт ўчиргичларда кенг қўлланилади. Уларнинг муқим ўрнатиладиган турлари ҳам бор. Механик кўпиклар эса 4-6 кўпик ҳосил қилувчи порошоклар ёки суюқликларни сув ва ҳаво билан аралаштирилиши ҳисобига кўпик генераторлари, кўпик ҳосил қилиш стволларида кўпикка айлантириб ишлатилади. Ўчириш учун ишлатиладиган кўпикларнинг характерли белгилари, уларнинг турғунлиги ва кўпик ҳосил қилиш даражаси ҳисобланади. Кўпик ҳосил қилиш даражаси бу ҳосил бўлган кўпикнинг уни ҳосил қилиш учун сарфланадиган моддалар хажмига нисбатан ҳисобланади. Кўпик ҳосил қилиш даражаси кимёвий кўпиклар учун 5, механик кўпиклар учун 8-12 бўлиши мумкин. Юқори кўпирувчи механик кўпикларда бу миқдори 100 ва ундан катта бўлиши мумкин. Кўпикнинг турғунлиги эса унинг катта ҳароратда сўнмасдан маълум вақтгача чидаш бериши ҳисобланади. Кимёвий кўпиклар суюқлик юзасида 1 соатгача ПО-И ёрдамида олинган механик кўпиклар 30 мин, ПО-6 ёрдамида ҳосил қилинган кўпиклар эса 40-45 минут турғунликка эга бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш корхоналаридаги ўт ўчириш системаларининг асосий қисмини сув ва кўпиксимон моддалар ташқил қилади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, сув ва кўпик билан ҳамма эрда ва ҳар қандай ёнғинларни ўчириш мумкин эмас. Чунки баъзи бир ҳолатларда кимёвий реакциялар ишлаб чиқариш чиқиндилари таъсирида этарли даражада унумдор кўпик ажратмасдан, улардан бошқа моддалар ажralиб чиқиши ёнғинни кучайтиришга олиб келиши мумкин. Кўпикни хилма-хил қурилмаларда ҳосил қилиш мумкин: булар доимий ўрнатилган, кўчириб юбориш мумкин бўлган ёки ҳаракатланувчи қурилмалар ва қўлда ишлатиладиган ўт ўчиргичлардир ( -расмлар). Кўлда ишлатиладиган кўпикли ўч ўчиргичлар жуда кенг тарқалган ўч ўчириш системалари ҳисобланади. Уларнинг кенг тарқалганлигига асосий сабаб, ўт ўчирувчи моддани хоҳлаган вақтда ишлатиш мумкин. Уни ишлатиш жуда осон ва уни бир одам бир неча секунд давомида ишга тайёрлаши ва ишлатиши мумкин. Бундан

ташқари ундан ажралиб чиқадиган кўпиксимон модда оқим сифатида анчагина босим ёрдамида (6-8 ати) бир неча метр масофадаги ёнаётган зонага (6-8 м) йўналтирилиши мумкин. Бу эса уни самарали ишлатиш имкониятини беради.



расм. Ҳаво-кўпикли ўт ўчиргич,




-расм. Кимёвий-кўпикли ўт ўчиргич, ОХП-10


### Карбонат кислоталар ёрдамида ўт ўчириш

Ишлаб чиқариш корхоналарида фақат қаттиқ ёки суюқ моддаларгина ёнмасдан балки электр қурилмалари, станоклар ва бошқалар ҳам ёниб кетиши мумкин. Маълумки юқорида айтиб ўтилган ўт ўчириш воситалари яъни кўпик ёрдамида ва сув билан ўчириш, уларни электр токини яхши ўтказганлиги сабабли электр қурилмаларини ўчиришда мутлақо ишлатиб бўлмайди. Чунки бунда ўт ўчирувчини электр токи таъсирига тушиб қолиш хавфи бор. Шунинг учун бундай ҳолларда карбонат кислоталардан фойдаланилади. Маълумки карбонат кислоталари (яъни  $\text{CO}_2$ ) билан ўчиришнинг икки хил усули кўлланилади. биринчисида  $\text{CO}_2$  тўлдирадиган баллонлар ёрдамида  $\text{CO}_2$  ни ёнаётган хонага киритилади.  $\text{CO}_2$  билан ўчирганда унинг заҳарлилигини ҳисобига олиш керак, унинг ҳаттоки 10% миқдорида нафас олиш, ўлимга олиб келади. Шунинг учун ундан фойдаланганда маҳсус сигнал системалари бўлиши керак. Шуни айтиб ўтиш керакки 1 л суюлтирилган  $\text{CO}_2$  506 л газга айланади.


Иккинчиси CO<sub>2</sub> ўт ўчиригичларга тўлдирилади. Бундай ўт ўчиригичларнинг ОУ-2, ОУ-5, ОУ-8 турлари кенг қўлланилади. Бу ўт ўчиригичларни ишлатишда унинг юқори қисмига ўрнатилган вентил бураб очилади. Ўт ўчиригичга тўлдирилган суюлтирилган CO<sub>2</sub> босим остида унинг ички томонида сиқиб чиқарила бошлайди. Суюлтирилган CO<sub>2</sub> ниҳоятда тезлик билан буғланиши ҳисобига қорсимон массага айланади. У ниҳоятда совук бўлганлиги учун электр қурилмасига Йўналтирилган тақдирда уни ўраб совутади (унинг совуқлиги -81 °C атрофида бўлади) ва ҳаво ўтказмаганлиги сабабли ўчиришга эришилади. Бу ўт ўчиригичларнинг сон кўрсатгичлари унинг ҳажмини билдиради



-расм. Углекислотали ўчиригичлар:  
a) -ОУ-2; б) – ОУ-5



ўт -расм. Порошокли ўт ўчиригич, ОПС-10.



24-расм. Кўпикли ўт ўчиригич, ОП-

10


1-идиш; 2-газ баллон; 3-дастак;

4-қувур,

Ишлаб чиқаришда карбонат кислотали, замбилғалтакларга ўрнатилган 25, 50 л ва ундан катта ҳажмдаги турлари ҳам мавжуд. Бундан ташқари таркибига галогенлар қўшилган ўт ўчиричлардан ҳам кент фойдаланилади. Уларнинг асосий хусусияти кимёвий реакцияни тўхтатиши мумкин.

### **Махсус кимёвий воситалар ёрдамида ўчириш**

Ёнувчи металларни ўчириш жуда мушкул ҳисобланади. Бундай ёнувчи металлар қаторига калий, натрий, литий, сирконий, магний ва бошқаларни киритиш мумкин.  $\text{SO}_2$  магнийнинг ёнишини тезлаштириб юборади. Ёнаётган металлга сув сепиб ўчиримоқчи бўлсангиз, унда портлаш рўй беради ва металл парчалари анча узоқ масофаларга тарқалиб ёниш зонасини кенгайтириб юборади. Ҳаттоқи қуруқ қум ҳам ёнаётган металл таъсирига тушиб қолиши ва кумнинг парчаланиши кузатилади. Бунда соф ва кремний бирикмалари ҳосил бўлади. Кремний намликни ўзига тортиб, реакцияга киришади, натижада ёнувчи ва заҳарли газлар ҳосил бўлади. Шунинг учун бундай металларни ўчиришда маҳсус кимёвий порошоклардан фойдаланилади. Асосан порошоксимон графит,  $\text{Na}_2\text{CO}_3$ ,  $\text{MgSO}_3$ ,  $\text{MgO}_2$  ва уларнинг аралашмалари, Шунингдек суюлтирилган инерт газлардан фойдаланиш мумкин.



-расм. Углерод оксидли брометилли

ўт ўчиригич, ОУБ-3.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Ўт ўчириш воситаларининг қандай турларини биласиз?
2. Ўт ўчириш воситаларининг меъёрий миқдорлари нимага тенг?
3. Ёнгинни ўчириш қурилмалари қайси соҳаларда қўлланилади?.
- 4.. Махсус кимёвий воситалар ёрдамида ўчириш қандай амалга оширилади?
6. Сув ва буғ билан ўчириш воситаларининг фарқи нимада?

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Literature Review and Research Plan. Antifreeze Solutions in Home Fire Sprinkler Systems. Copyright Fire Protection Research Foundation June 2010
2. Худоев А.Е. таҳрири остида. Ёнгин хавфсизлиги. 2- нашри. -Т.: Уз.Р. ИИВ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби. 2007. - 722 б.
3. Literature Review and Research Plan. Antifreeze Solutions in Home Fire Sprinkler Systems. Copyright Fire Protection Research Foundation June 2010.
4. “Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида” ги қонун. Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. -Т.: 2009 й., 40-сон.
5. Азимов Х.А. Бино ва иншоотларда ёнгин хавфсизлиги. Ўкув қўлланма. - Т.: ТАҚИ, 2004.
6. Шомирзаев Х.Х. Теория просесов горений.-Ташкент: ТДТУ, 2004.
7. Кудратов А. ва б. Ҳаётий фаолият хавфсизлиги. Маъруза курси.-Т.: “Алоқачи”, 2005. -355 б.
8. О.Р.Юлдашев, Г.М.Гуломова, Ш.М.Нарзиев. Методические руководство для проведения лабораторных работ по предмету «Пожарная безопасность».-Т.: ТДТУ-2015.
9. Закон Республики Узбекистан «О пожарной безопасности».СЗ РУз.2009.
10. Положение «О государственном пожарном надзоре» (Приложение №1 к Постановлению КМ РУз от 04.10.2013 г. №272).СЗ РУз 2013.
11. Положение «О порядке осуществления учетной регистрации подразделений ведомственной и добровольной пожарной охраны» (Приложение №4 к Постановлению КМ РУз от 28.03.2013 г. №89).СЗ РУз 2013.

### **З-мавзу: Бино ва иншоотларни ёнғин хавфсизлигини таъминлаш асослари.**

#### **Режа**

1. Бино ва иншоотларни ёнғин ва портлаш.
2. Хавфи бўйича гурухланиши.

Бино ва иншоотларни ёниш ва портлашга мойиллик даражасини аниқлашдан мақсад уларда содир булажак ёнғин ва портлашлар оқибатида юзага келувчи бузилишларни ва одамларга хавфли ва даҳшатли таъсирини олдини олишдан иборат. Бино ва иншоотларни ёниш ва портлашга мойиллиги, уларнинг қандай ашёлардан қурилганлигига ва уларда мавжуд ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган ёки сақланадиган хомаш ёларнинг ёнувчанлик хусусиятлари билан белгиланади.

Умумиттифоқ технологик лойиҳалаш меъёри (ОНТП 24-86. 1.2.3) ва қурилиш қоидалари ва меъёрлари (КМК 2. 01.02-85) га биноан саноат корхоналари ва омборлари ёниш ва портлаш хавфи бўйича 5-та тоифаларга бўлинади, жумладан **A, B, V, Г** ва **Д**. Буларнинг **A** ва **B** тоифалари ёниш ва портлашга мойил. **V** ва **Г** тоифалари бўлса фақат ёнишга хавфли деб ҳисобланади. **Д** тоифасида эса на ёниш ва на портлаш хавфи мавжуд эмас.

Бино ва иншоотларни бундай гурухланиши, уларда ишлатиладиган ёки сақланадиган энгил ёнувчи газсимон ва суюқ моддаларнинг буғлари ҳаво билан аралашганда, портловчи газли мухитни ҳосил қилувчи агрегат ҳолати ва уларнинг аллангаланиш ҳарорати (Ta)- га биноан амалга оширилган.

**A-тоифага** Ёниш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган, чақнаб ёниш ҳарорати  $28^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлган, ёнувчи газ ва энгил аллангаланувчи суюқлик буғлари ҳаводаги кислород билан ёки сув билан бирикиши натижасида, портлашга мойил хавфли босими 5 кПа дан ошиқ бўлган, газсимон аралашмалар ҳосил бўладиган, корхоналар киради. Бу гурухга кирувчи кимё саноатининг ацетон, олтингугурт, карбон, эфир, суперфосфат ва бошқа моддаларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

**Б-тоифага** ҳам ёниш ва портлаш хавфи бўлган, чақнаб ёниш ҳарорати  $28^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлган, энгил алангаланувчи суюқлик буғлари, ёнувчи чанг ва газлар ҳаводаги кислород билан сув билан қўшилганда хавфли, портловчи аралашма ҳосил қилувчи микдорда бўлиб, улар ёнганда хонадаги хавфли босим 5 кПа дан юқори бўлади. Бунга аммиак ишлаб чиқариш саноатини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

**В-тоифага** фақат ёнувчи, яъни А ва Б тоифаларга кирмайдиган саноат корхоналари, жумладан чақнаб ёниш ҳарорати  $120^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлган, ёнувчи қаттиқ жисмларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлов бериш ҳамда ҳархил ёқилғи моддаларни ишлатиладиган саноат корхоналари киради. Бунга мисол қилиб, ёғочни қайта ишловчи мебельсозлик саноати, қозғоз, кардон, тўл қоғоз ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўрсатиш мумкин.

**Г-тоифага**, Ёнмайдиган модда ва ашЁларнинг қайноқ, чўғланган ёки эритилган ҳолатида ишлатиладиган корхоналар киради. Бунга металлургия саноати корхоналари, иссқлик ишлаб чиқарувчи марказлар ва буғхоналар мисол бўлаоладилар.

**Д-тоифага**, Ёнмайдиган модда ва ашЁларни совуқ ҳолатда ишлатиладиган ва сақланадиган саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари киради. Масалан, тошни майдалаш, керамика ва цемент заводлари Шулар жумласидандир.

Бино ва иншоотларни ёнгин ва портлаш хавфи бўйича гурухланиши, улардаги барча хоналарнинг ёниш ва портлашга мойиллик тоифаси аниқлангандан сўнг белгиланади. Агар бинода **А** тоифага тааллуқли хона бўлсаю, унинг майдони бинодаги барча хоналарнинг умумий майдонидан 5% дан кам бўлмаса ёки сатҳи  $200 \text{ m}^2$  дан кўп бўлса, бу ҳолда бино **А** тоифага киради. Бинода ҳархил тоифага тааллуқли хоналар мавжуд бўлсаю, **А** ва **Б** тоифадги хоналарнинг йиғинди майдони, қолган барча хоналар умумий майдонининг 5% дан кам бўлмаса ёки сатҳи  $200 \text{ m}^2$  дан зиёд бўлса, бу бино **Б** тоифага мансуб бўлади.

**Ишлаб чиқариш жараёнидаги ёнгин хавфини таҳлил қилиш.**

Ишлаб чиқаришда ёнғинни келиб чиқишига, кўпинча ёнғин ёки электр хавфсизлиги қоидаларини қўпол равища бузилиши, электр тармоқларини яхши ҳимояланмаганлиги, ёнувчи моддаларнинг сақлаш қоидаларини бузилиши ҳамда оловга нисбатан эҳтиётсизлик қилиш кабилар сабаб бўлади. Баъзан ёнғинни ёки портлашни келиб чиқишига, иншоотни лойиҳалаш вақтида бўлажак саноат корхонасини ёниш ва портлаш хавфи бўйича нотўғри тоифаланиши, яъни унда ишлатиладиган хомаш ёнинг ёниш ва портлаш хусусиятлари аниқ хисобга олинмаганлиги ҳам сабаб бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнида ёнғин хавфсизлигини тўла таъминлашда корхоналарни ёнғин хавфи бўйича тоифаланиши кифоя қилмайди. Бунинг учун ишлаб чиқаришда ёнғин ва портлашни келтириб чиқарувчи хавфли омилларни мукаммал ўрганиб чиқиш лозим бўлади. Демак ишлаб чиқариш тартиботи жараёнида ёниш ва портлаш хавфи мавжудлигини қуидаги тартибда аниқлаш мумкин:

- 1.Корхонада ишлатиладиган ёнувчи ва портловчи моддаларнинг турлари ва уларнинг миқдори аниқланади;
- 2.Ишлаб чиқариш тартиботи ва унда ишлатиладиган ёнувчи моддаларнинг ишлатилиш тартиби аниқланади;
- 3.Корхонадаги технологик ускуналардан ёнувчи моддаларнинг оқиб чиқишини мавжуд сабаблари ва ҳажми аниқланади;
- 4.Ёндирувчи ва портловчи манбаъларни келиб чиқиш сабаблари аниқланади;
- 5.Содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин сабабларини ва унинг эҳтимолий Йўналишини, бинонинг лойиҳаланиш услугига ва ёнишга мойил бўлган пардозлов ашёларининг жойланишига қараб аниқланади ва ҳоказолар.

Технологик жараёнларни ёниш ва портлаш хавфини таҳлил қилишда, одатда технологик жараёнда қўлланиладиган тартибот услуги ва ишлаб чиқаришни меъёрий режалари, ҳамда ишлатиладиган ёнувчи моддаларнинг кимёвий хоссалари ҳақидаги маълумотлар атрофлича кенг ўргаанилади.

Технологик тартибот услуби ва ундаги меъёрий қоидаларга биноан қайси идиш ёки апаратларда қандай ва қанча ёнувчи газ, суюқлик ёки бошқа моддалар борлиги ҳамда улар қандай босим остида ва ҳароратда ишлиши мумкинлиги ҳақида аниқ кўрсатмалар ифодали тарзда жараённи бошқарув пультида баён этилган бўлиши шарт.

Технологик жараёнда ишлатиладиган газлар ҳаво билан ёки кислород билан бирикмаган ҳолда ишлатилади. Газлар апаратдаги жумраклардан ёки техник носозликлар орқали чиқаётганда, ҳаво билан бирикиши мумкин. Бундай ҳолатларда ёнувчи газнинг ҳаво билан аралашмаси таркибидаги миқдори унинг қуи ёниш чегара миқдоридан кам, ёки юқори ёниш чегарасидан баланд бўлиши шарт. Яъни бу икки чегара орасида бўлиши ўта хавфли ҳисобланади.

Ёнувчи суюқ модда солинадиган идишлар хавфсизлик қоидасига биноан охиригача тўлғазилмайди, яъни идишларни шифти билан суюқлик сатхи орасида кейинчалик газ буғлари билан тўйинадиган ҳаво бўшлиғи мавжуд бўлади. Идишнинг тепа қисмида ҳосил бўладиган портловчи муҳитнинг юзага келиши, суюқлик буғлари билан тўйинган ҳаво аралашмасидаги ёнувчи буғнинг миқдорига ва идишдаги суюқликнинг ҳароратига ҳам боғлиқ бўлади, яъни суюқликни ҳарорати унинг қуи ва юқори ёниш ҳарорати чегаралари оралиғида бўлса, хавфли муҳит портлашга мойил бўлади.

Ишлаб чиқаришда содир бўладиган бундай шароитларда аланталаниб ёки портлаб ёнишга қуйидаги манбаълар сабаб бўлиши мумкин: Ёниб турган олов, чўғланиб қизиб турган ёнувчи буюм, механик ҳаракат ёки электр тармоғининг қизиши натижасида ҳосил бўладиган учқунлар ёки моддаларнинг ўзаро кимёвий бирикиши ва бошқалар.

### **Ёнғин узлуксизлиги ва ҳароратининг ўзгариши.**


Ёнғинни узлуксиз давом этиши ёнувчи моддалар ва ашёларнинг тури ва миқдорига, уларнинг таркибий структурасига, намлигига ҳамда ёниш тезлигига боғлиқ бўлади. Агар ёнувчи модданинг миқдори ( $N$ ) ва унинг ёниш тезлиги ( $V$ )

маълум бўлса, ёнғинни узлуксиз давом этиш муддати ( $\tau$ ), куйидаги ифода билан осон аниқланади

$$\frac{N}{V} = \tau q \quad (10)$$

Ёнғинни давом этиш муддати ушбу - ифодада кўрсатилганидек содда туюлгани билан, уни эчишда маълум қийинчиликлар мавжуд, чунки ҳарқандай модданинг ёниш тезлиги ўзгармас эмас ва у ёниш муҳитини кислород билан таъминланганлигига, модданинг структуравий тузилишига ҳамда жойланиш шароитига ҳам боғлиқ бўлади. Ёнғинни узлуксизлигига бевосита таъсир кўрсатадиган яна бир асосий омил бунда ҳисобга олинмаган, у ҳам бўлса ундаги ҳароратнинг ўзгаришидир. Чизма 6 да берилган teng ҳажмдаги турли хил моддий ашёлар нинг, масалан ёгоч (3) билан пахта (2) ни ёниш жараёнини қузатсан, ёғочнинг ёнишдаги энг юқори ҳарорати  $900^{\circ}\text{C}$  га teng бўлиб, тажрибанинг 40 дақиқасига тўғри келса, пахтаники бўлса  $500^{\circ}\text{C}$  дан ошмайди ва 10 –чи дақиқасида содир бўлади. Бундан кўриниб турибтики, турли хилдаги ёнувчи ашёларнинг ёниш жараёни турлича вақт давомида кечади, бинобарин уларнинг иншоот курилмаларига таъсир этиш даражаси ҳам ҳархил бўлади.

Ҳаётдаги ёнғинлардан маълумки, катта ҳажмдаги биноларда ҳароратнинг  $1200^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилиши ва давом этиш вақти 1,5-3 соатгача чўзилиши кузатилган. Эртўлаларда содир бўлган ёнғинларда ҳарорат бирмунча паст бўлади, яъни давом этиш муддати 3-5 соат бўлганда ҳам ҳарорати  $800^{\circ}\text{C}$ дан ошмаслиги аниқланган.




Чизма 6. Ҳархил ашёларнинг ёнишида ҳароратнинг ўзгариши:

1 - қоғоз; 2 - пахта; 3 - ёғоч;  
4 - резина; 5 - полистерол.

Турар жой биноларидаги ёнғинларнинг давомийлиги (ўчириш вақти билан бирга) одатда 1-1,5 соатдан ошмайди, лекин улардаги энг юқори ҳарорат 1100°C гача кўтарилиши кузатилган.

Республикамиз худудида содир бўлган ёнғинларни таҳлили Шуни кўрсатадики, ёнғинларни давомийлиги турлича бўлиб, 0,5-3 соатгача чўзилиши аниқланган.

Ёнғиндаги ҳароратни вақт омили билан боғлиқлигини ҳартомонлама чуқур ўрганилгандан кейин, кўпчилик хорижий давлатларда, Шу жумладан Ўзбекистонда ҳам бино ва иншоотларда ишлатиладиган қурилмаларни ўтга чидамлилигини синаш жараёнида қўллаш мақсадида, ёнғин шароитида ҳароратни вақт давомида ўзгаришини акс эттираоладиган (чиз.7) «стандарт ҳарорат» графигини 1966 йилда Халқаро мезонлаштириш ташкилоти (ISO) таклифи билан қабул қилинди. Чизма 6 ва 7 ларни ўзаро солиштирганда, улардаги эгри чизиқ-ларни бир-биридан фарқи Шундаки, чизма 6 ашёларнинг табиий ёнғин шароитида ҳарорат ўзгаришини кўрсатади. Чизма 7 даги эгри чизиқлар эса ёнғиндаги ҳароратнинг максимал ўзгариш ҳолатини акс этади ва бино қурилмаларини ўтга чидамлилик даражасини аниқлашда, ёнғин шароитига мос ҳарорат ўзгаришини таъминлашда меъзон сифатида хизмат қиласи.



Чизма. 7. Ёнгинда «Стандарт ҳарорат» графиги.

Шундай қилиб, қурилмаларни зарур бўлган ўтга чидамлилик даражасини аниқлаш учун, Ёнгинни ҳақиқий чўзилиш вақтини ҳисоблаш шарт эмас, балки вақт бирлигига ифодаланган «стандарт ҳарорат» графиги ёрдамида ҳарорат ўзгаришини аниқлаш кифоя бўлади.

Тажриба жараёнида печнинг оловли камерасида ҳароратнинг вақтга нисбатан ўзгариши юқорида изоҳланган стандарт ҳарорат графиги асосида Ёки қуйидаги ифода ёрдамида осон аниқланади.

$$t = 345 \operatorname{Ig}(8\tau Q1) \quad (13)$$

бунда  $T$ -олов камерасида ўртача ҳарорат миқдори,  ${}^\circ\text{C}$ ;

$\tau$ -синов бошлигандан кейин ўтган вақт, дақиқа.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАР:

1. Корхонада ишлатиладиган ёнувчи ва портловчи моддаларнинг қандай турлари бор?
2. Ишлаб чиқариш тартиботи ва унда ишлатиладиган ёнувчи моддаларнинг ишлатилиш тартиби айтинг?.
3. Корхонадаги технологик ускуналардан ёнувчи моддаларнинг оқиб чиқишини мавжуд сабаблари нимада?

4. Ёндирувчи ва портловчи манбаъларни келиб чиқиш сабаблари нимада?
5. Содир бўлиши мумкин бўлган ёнгин сабабларини ва унинг эҳтимолий йўналишини, биноларнинг лойиҳаланиш услубига нималар киради?

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

- 1.Худоев А.Е. тахрири остида. Ёнгин хавфсизлиги. 2- нашри. -Т.: Уз.Р. ИИВ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби. 2007. - 722 б.
- 2.Literature Review and Research Plan. Antifreeze Solutions in Home Fire Sprinkler Systems. Copyright Fire Protection Research Foundation June 2010.
- 3.“Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. -Т.: 2009 й., 40-сон.
- 4.Азимов Х.А. Бино ва иншоотларда ёнгин хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. - Т.: ТАҚИ, 2004.
- 5.О.Р.Юлдашев, Г.М.Гуломова, Ш.М.Нарзиев. Методические руководство для проведения лабораторных работ по предмету «Пожарная безопасность».-Т.: ТДТУ-2015.
6. Закон Республики Узбекистан «О пожарной безопасности».СЗ РУз.2009.
7. Положение «О государственном пожарном надзоре» (Приложение №1 к Постановлению КМ РУз от 04.10.2013 г. №272).СЗ РУз 2013.
8. Положение «О порядке осуществления учетной регистрации подразделений ведомственной и добровольной пожарной охраны» (Приложение №4 к Постановлению КМ РУз от 28.03.2013 г. №89).СЗ РУз 2013.

## **4-мавзу: Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш хизмати.**

### **Режа**

1 Давлат ёнғин назорати вазифалари

2 Ёнғинларни ҳисобга олиш

3 Ёнғин ҳолатини аниқлаш

#### **1.Давлат ёнғин назорати вазифалари**

Саноат корхоналарининг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш давлат аҳамиятидаги вазифа ҳисобланганлиги учун 18 апрель 1918 йил «Ёнғинга қарши курашишда давлат чораларини ташкил этиш» хақида декрет тасдиқланиб, унда ёнғин муҳофазасини ташкил этиш, ёнғин ишлари асослари кўрсатилган эди. Шу жумладан мамлакатда ёнғин муҳофазасини мустахкамлаш мақсадида бир катор йўлланма ва қарорлар чоп этилган эди.

ёнғин муҳофазаси ишлари бўйича бош ташкилотчи бўлиб, «Ёнғинга қарши муҳофаза илмий тадқикот институти» ҳисобланади. Институт давлат стандартлари, норма, қоида ва юлланмаларни ишлаб чиқади, ишлаб чиқаришга тадбиқ этади.

Мамлакатимизда «Давлат ёнғин назорати»ни ички ишлар вазирлиги (ИИВ) ихтийридаги «Ёнғин муҳофазаси бош бошқармаси» олиб боради. Назорат олиб боришда шахар, туман, нохия ижроия қўмитаси ички ишлар бўлими ва халқ депутатлари ёрдам беради. Давлат ёнғин назорати хукуқ, вазифалари «Низом»да кўрсатилган. «Низом»га асосан, халқ хўжалигини барча тармоқларида «Ёнғин назорати» ёнғин муҳофазаси бош бошқармаси ва уни махаллий органлари ёрдамида олиб борилади.

#### **Давлат ёнғин назорати қўйидаги вазифаларни бажаради:**

-ёнғинга қарши муҳофаза бўйича қоида, йўлланма, техникавий нормалар таййрлаб нашр этади, хайтга тадбиқ қилиш мақсадида ва ёнғинга боғлиқ хавфсизликни таъминлаш мақсадида қаратилган қоидаларга корхона, ташкилот, муассасаларда қандай амал қилинайтганлигини текшириб боради;

- Республика ва махаллий ташкилотлари, корхоналари, муассасалари, айрим фукаролар томонидан ёнғинга қарши чора-тадбирларни бажарилишини текширади;
- ёнғинга қарши зарур ишларни ташкил этишда, техникавий воситаларни қўллаб ёнғинни олдини олиш, огохлантириш ва ёнғинни, табиий офатларни бартараф этишда тартиб ўрнатади;
- саноат корхоналари, фукаро жойлари ва ахоли манзилгоҳларини лойихалашда ёнғинга қарши муҳофаза талабларини бажарилишини текширади;
- лойихаларга, ёнғинга қарши ускуналар-воситалар турига хулоса беради;
- ёнғинни учирини воситаларини қобилятини, ёнғинни учирини ташкилотларини жанговор холатини текширади;
- ёнғинларни ҳисобга олади ва ҳисбот беради

#### **Давлат ёнғин назорати қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

- барча бинолар, қурилмалар, хоналар, бўлимлар, майдонлар, омборларни холатини текшириш;
- корхона, муассаса, айрим фуқаролардан ёнғин хафвсизлигига боғлик бўлган алоқадор хужжатларни талаб қилиш;
- халқ хўжалиги обьектларидаги камчиликларни йўқотиш, чора тадбирлар кўллаш хакида йзма буйруқ бериш;
- ёнғин хавфсизлиги бўйича асосий ва тармоқ хужжатлари талаблари бузилганлигига алоқадор шахсларни маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш ва х.к.

#### **2.Ёнғинларни ҳисобга олиш тартиби**

Ёнғинларни давлат статистик ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикасида ёнғинлар вазиятини баҳоловчи асосий кўрсаткичларни тузиш учун мўлжалланган бўлиб, қўйидагилардан иборат:

- давлат статистик ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати (бундан буён матнда Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати деб юритилади) томонидан амалга оширилади;

- идоравий статистик ҳисобга олиш ушбу Низомнинг 6-банди «б», «в», «г» ва «д» кичик бандларида кўрсатилган тегишли давлат ёнгин назорати ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади ва содир бўлган ёнғинлар ҳақидаги маълумотлар белгиланган шаклда улар томонидан ҳар ойнинг 10-кунигача Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ёнгин хавфсизлиги бош бошқармасига тақдим этилади.

Ёнғинлар ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш шакли Ўзбекистон Республикаси ёнгин назорати бўйича Бош давлат инспектори томонидан белгиланади.

Давлат ва идоравий статистик ҳисобга олиш натижаларини умумлаштириш ва ишлов бериш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан автоматлаштирилган компьютер дастурида амалга оширилади.

**Давлат ва идоравий статистик ҳисобга олиш натижалари бўйича ёнғинлар ва уларнинг оқибатлари ҳақида қуйидаги ахборот-статистик ҳисботлар тайёрланади:**

ҳар ойда — мазкур Низомнинг 6-банди «а», «б» ва «в» кичик бандларида кўрсатилган ваколатли органлар томонидан;

ҳар йилда — мазкур Низомнинг 6-банди «г» ва «д» кичик бандларида кўрсатилган ваколатли органлар томонидан.

Ёнғинларни ҳисобга олишни қуйидагилар амалга оширади:

а) Давлат ёнгин хавфсизлиги хизматининг давлат ёнгин назорати органлари — аҳоли турар жойларида ва давлат ёнгин назоратини ўзи амалга оширадиган обьектларда ҳамда транспорт воситаларида, агар ёнгин улар ҳаракатланиб кетаётган вақтда ёки вақтинчалик тўхташ жойларида (улар аниқланган жойда) содир бўлса, тегишли ваколатли органлар томонидан ҳисобга олинадиган транспорт воситаларидаги ёнғинлар бундан мустасно;

б) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортдаги ички ишлар бошқармасининг давлат ёнгин назорати органлари — темир йўл

транспортининг ҳаракатдаги составида ва давлат ёнғин назоратини амалга оширадиган объектларда;

в) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармасининг давлат ёнғин назорати органлари — жазони ижро этиш муассасаларида;

г) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати — ўзига қарашли объектларда;

д) Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати билан тузилган келишувлар орқали ёнғин хавфсизлиги соҳасида назорат функцияларини амалга оширадиган бошқа ваколатли органлар — ўрмон хўжалиги ҳудудларида, кон қазилмалари ва шахта иншоотларида, портловчи материаллар ишлаб чиқарилаётганда, ташилаётганда, сақланаётганда, улардан фойдаланилаётганда ва улар утилизация қилинаётганда, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллардан фойдаланган ҳолда портлатиш ишларини олиб борувчи ташкилотларда, ҳаво, сув, темир йўл, автомобиль транспорти ҳамда электр транспортидан фойдаланишда.

### **Қуйидаги ҳолатлар ҳисобга олинмайди:**

а) ишлаб чиқаришда ўзига хос бўлган технологик жараёндаги (технологик регламентларда ва бошқа техник хужжатларда кўрсатиб ўтилган) ёки саноат ускуналари ва агрегатларининг ишлаш шароитида келиб чиқадиган ёнишлар;

б) буюм ва маҳсулотларни қайта ишлаш, уларнинг сифат хусусиятларини ўзгартириш (пайвандлаш, қуритиш, дазмоллаш, дудлаш, эритиш ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар) мақсадида қўлланиладиган очиқ аланга, иссиқлик ёки бошқа турли термик таъсирларни қўллаш натижасида ёнишлар;

в) оқибати ёнишга олиб келмаган портлаш, чақнаш ва статик электр разрядлари;

г) электрускуна, майший ва саноат электр асбобларининг электр тармоқларидаги қисқа туташув ҳолатлари, агар ёниш аппарат, агрегат ва механизм ташқарисига тарқалмаган бўлса;

д) овқат тайёрлаш вақтида унинг ёниши ҳоллари, агар ёнғинга олиб келмаган бўлса;

Э) йўл-транспорт ҳодисалари, авиация ва темир йўл ҳалоқатлари сабаб бўлган транспорт воситаларининг ёниши;

ж) форс-мажор ҳолатлар (террорчиллик ҳаракатлари, ҳарбий ҳаракатлар, хукуқни муҳофаза қилиш органларининг маҳсус операциялари, зилзила ва бошқалар) сабаб бўлган ёнишлар;

з) ўз-ўзига ўт қўйиш орқали ўз жонига қасд қилиш ва суиқасд қилиш ҳоллари;

и) чўғ бўлиб турган кўмир ва ўчмаган кулдан термик куйиш, тан жароҳати олиш ҳоллари;

к) Ўзбекистон Республикасининг юридик ва (ёки) жисмоний шахсларига моддий зарар этказилган ёки бошқа оқибатлар рўй берган ҳолатлардан ташқари, экстерриториаллик мақомига эга бўлган обьектларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудидаги хорижий давлатларга қарашли транспорт воситаларида содир бўлган ёнғинлар. Бундай ёнғинлар ҳақидаги маълумотлар тегишли дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларига юборилади. Санаб ўтилган ҳолатлар ёнишнинг бошқа обьектларга тарқалишига олиб келса ва унинг оқибатида одамларнинг тан жароҳати олиши, ҳалок бўлишига, ёхуд моддий бойликларнинг нобуд бўлиши ёки шикастланишига олиб келса тўлиқ ҳисобга олинади. Бошқа ҳолларда эса, уларнинг оқибатлари кўнгилсиз ҳодиса деб ҳисобланади ва тегишли органлар томонидан белгиланган тартибда текшириш ишлари олиб борилади ва ҳисобга олинади.

Ташкилотлар, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда фуқаролар ҳар бир ёнғин ҳолати ҳақида ёнғиндан сақлаш хизматига, давлат ёнғин назоратининг маҳаллий органларига ёки тегишли ваколатли органларга дархол хабар қилишлари, шунингдек уларни текшириш жараённида зарур бўлган материалларни (хужжатларни) тақдим этишлари шарт. Транспорт воситаларидаги ёнғинлар, ёнғин содир бўлган жойда ҳисобга олинади. Ёнғин ҳолатини тасдиқлайдиган хужжат ёнғин ҳақидаги далолатнома бўлиб, у ёнғин бартараф этилгандан сўнг бир сутка давомида икки нусхада тузилади ва ёнғиндан сақлаш хизмати вакили бошчилигидаги камида З нафар шахсдан

иборат комиссия томонидан имзоланади. Далолатномани тузиш комиссияси таркибига объектнинг маъмурияти (эгаси) вакиллари ёки жабрланувчилар, зарур ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сугурталовчилар, ички ишлар органларининг тегишли хизматлари вакиллари ҳамда бошқалар киради. Агар, ёнғинга ёнғин ўчириш бўлинмаси чақирилмаган бўлса ва ёнғин содир бўлганлиги ҳақидаги (оғзаки ёки ёзма) маълумот ички ишлар ёки давлат ёнғин назорати органларига объектнинг маъмуриятидан, фуқаролардан (жабрланувчилардан) берилган бўлса, ёнғин ҳақидаги далолатнома икки суткадан кечиктирилмасданкомиссия таркибида тузилади.

Ёнғинда ҳалок бўлганларни ва тан жароҳати олганларни ваколатли органлар, ёнғинни текшириш бўйича тузилган хужжатларга ҳамда тиббиёт муассасалари томонидан берилган маълумотларга асосан ҳисобга оладилар. Ёнғинда ҳалок бўлган ҳамда жабрланган чет эл фуқаролари давлат статистик ҳисобига киритилмайди. Улар тўгрисидаги маълумот тегишли дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларига юборилади.

Тиббиёт муассасалари ёнғинларда жабрланган, тиббий ёрдам кўрсатиш учун олиб келинган ёки мурожаат қилган, шу жумладан ёнғинларда заҳарланиб ёки тан жароҳати олиб ҳалок бўлганлар ҳақида дарҳол Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматига хабар беришлари шарт, шунингдек одамлар ёнғинларда ҳалок бўлганлиги ёки тан жароҳати олганлигини тасдиқловчи хужжатларни ёнғинлар юзасидан текширув (суриштирув) ҳаракатини олиб бораётган мансабдор шахсларга тақдим этишга мажбурдирлар.

### **Ёнғиндан этказилган мулкий заарни ҳисобга олиш**

Ёнғиндан этказилган мулкий заар, қопланган ёки қопланмаганлигидан қатъи назар тўлиқ ҳисобга олинади. Юридик ва жисмоний шахсларнинг асосий фондлари ҳисобланган бино ва бошқа мол-мулки нобуд бўлиши ва заарланиши (оловдан, тутундан, катта ҳароратдан, ёнғин ўчириш воситаларидан, портлашдан — агар портлаш натижасида ёнғин рўй берган бўлса) ёнғин билан ҳамда атроф

табиий мухитга зарар этказиш билан боғлиқ бўлиб, талафот кўрган деб топилса, этказилган мулкий зарар бевосита кўрилган талафотлар миқдори билан аниқланади.

### **Этказилган мулкий зарар миқдоридан келиб чиқиб, ёнғинлар куйидагиларга бўлинади:**

- а) кўп бўлмаган миқдорда зарар этказган ёнғин (энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача бўлган зарар);
- б) анча миқдорда зарар этказган ёнғин (энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар);
- в) кўп миқдорда зарар этказган ёнғин (энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар);
- г) жуда кўп миқдорда зарар этказган ёнғин (энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор).

Мулкий зарарни аниқлашда ишлаб чиқариш ва савдо ишларидағи вақтинчалик тўхташлар, харакатдаги состав ва бошқа техниканинг ўзгариши натижасида кўрилган (бильосита) йўқотишлар ва ёнғин сабабли олинмаган бошқа фойда ҳисобга олинмайди. Давлат ёнғин назорати органлари ёнғинлардан этказилган зарарни қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахслар ва суғурталовчилар томонидан берилган маълумотлар, судларнинг ҳукмларидан кўчирмалар ёки этказилган моддий зарар миқдорини тасдиқловчи расмий ҳужжатлар илова қилинган мулк эгаларининг ёзма аризаларига асосан ҳисобга оладилар. Маълумотда куйидагилар мажбурий тартибда алоҳида кўрсатилади: ёнғиндан этказилган умумий зарар, бино (иншоот) бўйича зарар, ускуналар ва мулк бўйича зарар. Ушбу маълумотларнинг тўғрилигига тегишли ҳужжатларга имзо чеккан шахс жавоб беради. Ўзига қарашли объектларда ёнғин содир бўлган юридик шахслар ёнғиндан этказилган мулкий зарар миқдорини тасдиқловчи маълумотни давлат ёнғин назорати органларига тақдим этишлари шарт.

Суғурталовчилар давлат ёнғин назорати органларининг сўрови бўйича суғурталанувчиларнинг ёзма розиликларига асосан суғурта шартномалари

шартларига мувофиқ ёнғинлар ва уларнинг оқибатлари туфайли келиб чиқсан суғурта ҳодисаси бўйича тўланган сугурта товонини тасдиқловчи маълумотларни тақдим этадилар. Фуқаролар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг сугурта қилинмаган ва нобуд бўлган мол-мулки, иморатлари, ҳайвонларининг, ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларининг ҳақиқий баҳоси ҳақида аниқ маълумот бўлмаса, мулкий зарар миқдори ўртача бозор нархи бўйича ҳисобланади. Тугалланмаган капитал қурилиш ёки таъмирлаш жараёнида содир бўлган ёнғин натижасида асосий фондларга этказилган мулкий зарар миқдори бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланади.

Ёнгинда қоғоз пул нобуд бўлган ҳолларда мулкий зарар миқдори уларнинг номинал баҳосидан келиб чиқиб ҳисобланади. Қоғоз пуллар ва (ёки) қимматбаҳо қоғозлар тайёрлаш жараёнида ёнғиндан нобуд бўлган ҳолларда зарар миқдори уларни тайёрлаш таннархидан келиб чиқиб ҳисобланади. Ёнғин оқибатида чет эл валютасига зарар этказилган ҳолларда зарар миқдори ёнғин келиб чиқсан пайтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган пул бирлиги курсида ҳисобга олинади. Ёнғин оқибатида нобуд бўлган мол-мулкнинг бошқа турлари бўйича мулкий зарар миқдори тегишли мулкнинг спецификасидан келиб чиқсан ҳолда белгиланган тартибда ҳисобланади.

### **3.Ёнғин ҳолатини аниқлаш**

Ёнғин ҳолатини аниқлаш ёнғин ўчириш экипажларининг ёнғинни ўчиришга чиқсан вақтидан бошлаб то уни бартараф қилгунча ўтказилади.

#### **Ёнғинда қўйидагилар аниқланиши лозим:**

- одамлар учун хавфнинг бор ёки йўқлиги, уларнинг турган жойлари, кутқаришнинг усуллари;
- ёнғин содир бўлган жой, ёнғиннинг ўлчамлари, оловнинг тарқалиш йўллари;
- ёнғин жойига куч ва воситаларни киритиш йўллари ва имкониятлари;
- портлаш хавфи, заҳарланиш, бинонинг қулаши, тез алангаланувчи ва портловчи моддалар ҳамда кучланиш остидаги электр қурилмаларнинг бор ёки йўқлиги;

- мол-мулкларни хавфсиз жойга олиб чиқиш, уларни оловдан, тутундан ва -ёнғин үчириш воситалари таъсиридан сақлаш зарурати;
- бино қисмларини очиш ва ажратиш зарурати;
- ёнғин жойига яқин бўлган сув манбалари ва улардан фойдаланиш усуслари;
- жойларда ўрнатилган ёнғин үчириш қурилмаларининг борлиги ва уларнинг техник ҳолати, улардан фойдаланиш тартиби.

Ёнғин ҳолатини аниқлаш вақтида вазиятга қараб бошқа вазифалар ҳам бажарилиши мумкин.

Ёнғин ҳолатини аниқлаш ёнғинни үчириш раҳбари ёки унинг топшириғига биноан бошқа шахс томонидан ўтказилади.

### **Ёнғин ҳолатини аниқловчилар таркибиға қуйидагилар киради:**

- ёнғинга битта ёнғин үчириш экипажи келган бўлса, ёнғин үчириш экипажи командири ва алоқачи;
- ёнғинга икки ва ундан ортиқ ёнғин үчириш экипажи келган бўлса, биринчи ёнғин үчириш экипажи командири ва алоқачи.

Бир вақтнинг ўзида ҳар хил йўналишда ёнғин ҳолатини аниқлаш зарурати туғилса, ёнғин ҳолатини аниқлаш бўйича гурухлар тузилади.Ҳар бир гурух камида икки кишидан иборат бўлиб, уни ёнғин үчириш экипажи командири бошқаради.Агар ёнғин ҳолатини аниқлаш ҳимояловчи газниқобда ўтказилса, гурух камида уч кишидан иборат бўлиши лозим.

Ёнғин жойида (ичида) одамларнинг борлиги ҳақида маълумот бўлса, ёнғиндан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ёнғин ҳолатини аниқлаш гурухларининг сони кўпайтирилади.

### **Ёнғинда одамларни қутқариш**

Қутқарув ишлари қуйидаги ҳолатлар юзага келганда ташкил қилинади ва ўтказилади, агар:

- одамларга олов, юқори ҳарорат, портлаш хавфи ёки бинонинг қулаши хавфи бўлганда, улар турган хоналар тутун ёки заҳарли газлар билан тўлган бўлса;
- одамлар ўзлари хавфли жойдан чиқолмай қолса.

Ёнғинда одамларни қутқариш ёнғинни бартараф этиш билан бир вақтда үтказилади.

Агар бир вақтнинг ўзида одамларни қутқариш ва ёнғинни бартараф этишга куч ва воситалар камлик қылса, одамларни қутқариш учун давлат ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг барча шахсий таркибидан фойдаланилади ҳамда қўшимча куч ва воситалар чақирилади. Одамларни қутқариш учун:

- биноларнинг асосий кириш ва чиқиш ҳамда захира йўлларидан;
- деразалар, айвончалар, ёнғин ўчириш нарвонлари, автонарвонлар, автокўтаргичлар ва бошқа қутқариш қурилмаларидан;
- ёнғин ўчирувчилар томонидан очилган тўсиқ ва девор туйнукларидан фойдаланилади.

Одамларни қутқариш ва хавфсиз жойга олиб чиқиш қуидагилардан иборат:

- одамларни хавфсиз йўналиш бўйлаб ўзлари ёки ёнғин ўчирувчилар кузатуvida чиқариш;
- харакат қилолмайдиган одамларни олиб чиқиш;
- қутқарув йўлларининг олов ёки тутун билан тўсилиб қолиб, чиқиб кетишининг иложи бўлмаса, одамларни нарвонлар, автонарвонлар, автокўтаргичлар ва техник қутқарув қурилмалари ёрдамида қутқариш.

### **Қутқарув ишлари үтказилаётганда:**

- хабар бериш ва бошқа техник воситалардан фойдаланган ҳолда саросимага тушмасликнинг олдини олиш чорасини кўриш;
- қутқарув ишларига ташкилотларнинг ходимларини ва кўнгилли ёнғин ўчириш дружиналарини (бундан кейинги ўринларда КЁЎД деб юритилади) жалб этиш;
- тез тиббий ёрдам чақириш ҳамда ёнғиндан жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш зарур.

Ёнғин содир бўлган бинода одамларнинг қолганлиги ҳақида маълумот бўлса, бинодаги барча ёнаётган ва тутунга тўлган хоналар синчиклаб текширилади. Қутқаришга муҳтожларнинг йўқлиги аниқлангандан сўнг одамларни қидириш ишлари тўхтатилади.

Куч ва воситаларнинг ёйилиши ўтказилаётганда одамларни қутқариш ва уларни хавфсиз жойга олиб чиқиш ишларига халақит бермаслиги керак.

Ёнгин ўчириш энгларини ёйишда ёнгин ўчоfiga ўтиш учун бинонинг барча кириш эшикларидан ва ўрнатилган нарвонлардан фойдаланиш лозим.

**Куч ва воситаларнинг ёйилиши қуидаги босқичлардан иборат:**

ёйилишга тайёргарлик;

дастлабки ёйилиш;

мукаммал ёйилиш.

Ёнгинга этиб келган ёнгин ўчириш экипажларининг куч ва воситаларнинг ёйилишига тайёргарлик кўриши билан ёнгин ҳолатини аниқлаш ишлари биргаликда ўтказилади ва қуидагиларни ўз ичига олади:

ёнгин ўчириш автомобилини сув манбаига ўрнатиш, сув сўриш энгларини - улаб, насосга сув олиш;

ёнгин жойининг шароитига кўра бошқа тайёргарлик чораларини ўтказиш. Ёнгин ўчириш автомобилини ёйилишга тайёрлаш (сув манбасига ўрнатмасдан) насосни ишчи ҳолатига келтириб, ёнгин ўчириш энгларни дастакка ва насосга улашдан иборат. Дастлабки ёйилишда ёнгин ўчириш энгларини ўтказиш ва сув айиргични ўрнатиш, сув айиргич олдига ёнгин ўчиришга керакли бўлган энглар, дастаклар, нарвонлар ва бошқа ёнгин ўчириш техник қуроллари келтирилади. Мукаммал ёйилиш ёнгин ўчириш экипажининг ёнгинга этиб келиши билан шароитга қараб, дарҳол ўтказилиши мумкин ҳамда ёйилишга тайёргарлик ва дастлабки ёйилишдан кейин ўтказилади. Куч ва воситаларнинг ёйилишида ёнгин ўчириш автомобиллари ва ёнгин ўчириш воситаларининг жойлашиши этиб келган куч ва воситаларнинг ёйилишига халақит бермаслиги, шунингдек ёнгин ўчириш энглари ёнгин жойига яқин бўлган жойларда ҳаракатни қийинлаштираслиги лозим. Ёнгинни бартараф этишдаги ҳаракатларни таъминлаш учун шароитга қараб қўл нарвонларидан, автомарвонлардан, автокўтаргичлардан фойдаланилади. Ёнгин ўчириш нарвонларини алганга чиқиб турган деразалар қарисига ўрнатишга фақат сув сепиб турилган вактдагина рухсат этилади.

Нарвонларни бошқа жойга кўчириш шу нарвондан қўтарилиган шахсий таркибга маълум қилиниб ва уларга қайтиш ёки бошқа жойга ўтиш йўлини кўрсатилгандан сўнг бажарилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Ёнгинларни ҳисобга олиш тартиби қандай амалга оширилади?
2. Давлат ёнгин назорати вазифалари нималардан иборат?
3. Ёнгинда одамларни қутқариш қандай амалга оширилади?
4. Ёнгин ҳолати қандай аниқланади?
5. Одамларни қутқариш ва хавфсиз жойга олиб чиқиш чора-тадбирлари қандай?.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

- 1.Худоев А.Е. таҳрири остида. Ёнгин хавфсизлиги. 2- нашри. -Т.: Уз.Р. ИИВ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби. 2007. - 722 б.
- 2.Literature Review and Research Plan. Antifreeze Solutions in Home Fire Sprinkler Systems. Copyright Fire Protection Research Foundation June 2010.
3. “Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. -Т.: 2009 й., 40-сон.
- 4.Р.Юлдашев, Г.М.Гуломова, Ш.М.Нарзиев. Методические руководство для проведения лабораторных работ по предмету «Пожарная безопасность».-Т.: ТДТУ-2015.
5. Закон Республики Узбекистан «О пожарной безопасности».СЗ РУз.2009.
6. Положение «О государственном пожарном надзоре» (Приложение №1 к Постановлению КМ РУз от 04.10.2013 г. №272).СЗ РУз 2013.
7. Положение «О порядке осуществления учетной регистрации подразделений ведомственной и добровольной пожарной охраны» (Приложение №4 к Постановлению КМ РУз от 28.03.2013 г. №89).СЗ РУз 2013.

## IV АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР

**1-амалий машғулот. Кимё саноатида ёнғинларни ўчиришни ҳисоби.**

**Каттиқ моддаларни сув билан ўчиришда куч ва воситаларни  
хисоблаш**

**Ишдан мақсад:** Корхонанинг хусусияти; ёнғиннинг тарқалиш тезлиги; ёнғин ўчиришга жалб этиладиган ёнғин ўчириш бўлинмаларининг сони ва турлари; бериладиган ёнғин ўчириш моддаларининг талаб этиладиган жадаллик даражаси, ёнғин ўчиришга ва ҳимояга берилган дастакларнинг сони, асосий ёнғин ўчириш автомобиллардаги экипажлар сонни ҳисоблашни ўрганиш.

**1- масала.** Куч ва воситаларни ҳисоблаш учун қуидаги маълумотлар олинади: корхона хусусияти; ёнғин тўғрисида хабар олинганига қадар вақт; ёнғин йўналиши бўйича тарқалиш тезлиги; чақиравга чиқиш жадвали бўйича кўзда тутилган куч ва воситалар ҳамда уларнинг жамланиш вақти; ёнғин ўчириш моддаларининг бериш жадаллиги.

**Ҳисоблаш тартиби.**

1. Ёнғиннинг эркин тарқалиш вақтини аниқлаймиз

$$\tau_{эрк.\ddot{ё}ниш} = \tau_{хабаргача} + \tau_{бориш} + \tau_{ж.ж}$$

бунда,  $\tau_{хабаргача}$  – ёнғин ҳақида хабар қабул қилгунга қадар ёниш вақти.

2. Ёнғиннинг босиб ўтган масофасини аниқлаймиз

$$R = 0,5 \times v_{л} \times \tau_1, \text{ агар, } \tau_{эрк.\ddot{ё}ниш} \leq 10 \text{ дақ;}$$

$$R = 0,5 \times v_{л} \times \tau_1 + v_{л} \times \tau_2, \quad \text{агар, } \tau_{эрк.\ddot{ё}ниш} > 10 \text{ дақ;}$$

бунда: 0,5 – ёнғиннинг эркин тарқалиш тезлиги биринчи 10 дақиқада, меъёрдагидан 2 марта кам бўлинишини ҳисобга оладиган коэффициент;

$v_{л}$  – ёнғиннинг тарқалиш тезлиги (м/дақ), Аҳоли яшайдиган уйларда ёнғиннинг тарқалиш тезлигини 1 м/дақ деб ҳисоблаймиз;

$\tau_1$  – эркин тарқалиш вақтининг биринчи 10 дақиқа;

$\tau_2$  – эркин ёниш вақтини, биринчи 10 дақиқадан кейинги вақти

$$\tau_2 = \tau_{\text{эрк.ёниш}} - \tau_1$$

3. Ёнғин майдони ва унинг тарқалиш шаклини аниқлаймиз.

a) агар ёнғин бинонинг қарама – қарши деворларигача етиб бормаса ёнғин майдони айланы шаклида бўлади, яъни

$$S_{\text{майдон}} = k \times \pi \times R^2$$

бунда:  $k$  – ёнғин шаклини белгиловчи коэффициент, агар ёнғин тўла айланы шаклида бўлса,  $k = 1$ ; ярим айланы шаклида,  $k = 0,5$ ; чорак айланы (бурчак) шаклида бўлса,  $k = 0,25$  га teng бўлади;

$R$  – ёнғиннинг босиб ўтган масофаси.

б) агар ёнғин бинонинг қарама – қарши деворларига етган бўлса ёнғин тўғри тўртбурчак шаклида тарқалади

$$S_{\text{ён}} = n \times R \times a,$$

бунда:  $n$  – тўғри тўртбурчак шаклида ёнғинни тарқалиши ва йўналишлар сони;

$a$  – бинонинг кенглиги.

4. Ёнғинни ўчириш майдонини аниқлаймиз,  $m^2$ .

a) Агар ёнғин айланы шаклида бўлса

$$S_{\text{ўчириш}} = k \times \pi \times h_{\text{ўчириш}} (2R - h_{\text{ўчириш}})$$

бунда:  $h_{\text{ўчириш}}$  – ёнғинни ўчириш чуқурлиги (кўл дастаклари билан ўчирганда - 5м, лафет дастаги билан ўчирганда - 10м.).

б). Агар ёнғин бинонинг қарама қарши деворлариға етиб борган бўлса ёнғин тўғри тўртбурчак шаклида бўлади , у ҳолда

$$S_{\check{y}^q} = n \times a \times h_{\check{y}^q}$$

5. Ёнғинни ўчириш учун талаб қилинадиган сув сарфини аниқлаймиз

$$Q_t = S_{\check{y}^q} \times J_t$$

бунда:  $J_t$  – талаб қилинган, ёнғинга сув бериш жадаллиги

6. Ёнғинни ўчириш учун талаб қилинадиган дастаклар сонини аниқлаймиз.

$$N_d = Q_t / q_d$$

бунда:  $q_d$  – битта дастак сарфлайдиган сув миқдори

7. Ёнғинда ҳимоя қилиш учун талаб қилинадиган дастаклар сонини аниқлаймиз.

Бериладиган дастаклар сони, ёнғин хавфсизлиги хизмати Жанговар Низоми кўрсатмалари ва тактик шароитларга қараб белгиланади.

8. Шахсий таркибнинг сонини аниқлаймиз

$$N_{ш.т} = N_{\check{y}^q} \times n_{одам} + N_{хим} \times n_{одам} + n_{енг назорат} + n_{алокачи}$$

9. Автоцистернада келадиган ёнғин ўчириш экипажлари сонини аниқлаймиз.

$$N_{эк АЦ} = N_{ш.т} / n_{ш.т.эк АЦ}$$

**2-Масала. Ҳажм бўйича, кўпик билан ёнғин ўчиришда куч ва воситаларни хисоблаш усули**

**Ишдан мақсад:** Ёнғинни ўчириш учун кўпик ҳосил қилувчи модданинг сарфланишини аниқлаш, кўпик тўлдириш ҳажми, кўпик генераторлари сони, кўпик ҳосил қилувчи моддани миқдори, асосий ҳамда махсус ёнғин ўчириш автомобиллардаги экипажлар сони , сув сарфини аниқлаш.

Хисоблаш услуби:

Хона ҳаждақи аниқлаймиз:

$$W_x = a \times b \times h$$

бунда:  $a$  - хона эни;  $b$  - хона узунлиги;  $h$  - хона баландлиги

2. Хона ҳаждақи күпик билан түлдириш учун ГПС сонини аниқлаймиз

$$N_{GPs} = (W_x \times K_p) / (q_{GPs} \times \tau_{yc});$$

бунда:  $q_{GPs}$  - ГПС дан күпик сарфи,  $m^3/da\kern-0.1emc$ ;

$K_p$  – ҳажм бүйича күпикни емирилиш коэффициенти;

$\tau_{yc}$  - ўчириш вақти, дақ.

3. Ёнғин ўчириш учун талаб этиладиган экипажлар сонини аниқлаймиз.

$$N_{Ek} = N_{GPs} / n_{GPs} \text{ эк}$$

4. Күпик ҳосил қилувчи моддани миқдорини аниқлаймиз

$$W_{no} = N_{GPs} \times q_{GPs \text{ по}} \times \tau_{yc} \times 60 \times k,$$

бунда:  $q_{GPs \text{ по}}$  - ГПС дан күпик ҳосил қилувчи моддани сарфи;

$\tau_{yc}$  - ўчириш вақти;

$k$  - күпик ҳосил қилувчи моддани захира коэффициенти.

5. Ёнғин ўчириш учун сув захирасини аниқлаймиз

$$W_{Csuv} = N_{GPs} \times q_{GPs \text{ сув}} \times \tau_{yc} \times 60 \times k,$$

6. Ёнғин ўчириш учун, күпик билан ўчирувчи автомобиллар сонини аниқлаймиз

$$N_{ab} = W_{no} / W_{ab}$$

бунда:  $W_{ab}$  - күпик билан ўчириш автомобилидаги күпик ҳосил қилувчи моддани миқдори

Масала. Пахта хом- ашёси ҳудудида ёнғинни үчириш учун керак бўладиган қуч ва воситаларни ҳисоблаш услуби

Пахта хом ашёси ҳудудида ёнғиннинг ривожланишига шамолнинг кучи, йўналиши ва ғарамлар ўртасида ёнғин хавфсизлик оралиқлари, хомашёнинг намлиги ёнғинни тарқалишига ўз таъсирини ўтказади.. Об-ҳаво шароитларидан келиб чиқиб ёнғиннинг тарқалиш тезлиги қуидагича бўлиши мумкин:

- шамол йўқлиги ёки ўта кучсиз шамолда - паст - 0,75 – 1,0 м/дақ.
- кучсиз шамолда - ўрта - 1,0 – 2,0 м/дақ.
- ўртача кучли шамолда - юқори - 3,1 – 5,0 м/дақ.
- қуруқ иссиқ ҳавода ва кучли шамолда - ўта юқори - 6,0 м/дақ.

Ёнғинда вазият, ёнғин ўлчами ва унинг тарқалиш тезлиги билан белгиланади.

Ҳисоблаш тартиби:

### 1. Эркин ёниш вақтини аниқлаймиз

$$\tau_{\text{эр.ён.}} = \tau_{\text{хабаргача}} + \tau_{\text{йигилиш вақти}} + \tau_{\text{бор.}} + \tau_{\text{к.в.ё.}}$$

бунда:  $\tau_{\text{хабаргача}}$  – ёнғин ҳақида хабар қабул қилгунга қадар ёниш вақти, 8-12 дақиқа 8 дақиқа деб қабул қиласиз.

$\tau_{\text{йигилиш вақти}}$  – ташвиш сигнали бўйича жанговар ҳисобнинг шахсий таркибини йиғилиш вақти, 1 дақиқа.

$\tau_{\text{бориш}}$  – шахсий таркибнинг ёнғинга етиб келган вақти қуидаги формула ёрдамида аниқланади

$$\tau_{\text{бориш}} = 60 \cdot L / V_{\text{бориш}} = 60 \cdot 1,5 / 40 = 2,25 \text{ дақиқа}$$

Бу ерда:  $L$  – ёнғин содир бўлган « пахта тозалш» очик акционерлик жамиятидан Жиззах туманида жойлашган 1-КЁХҚгача бўлган масофа 1,5 км ни ташкил қиласи;

$V_{\text{бориш}}$  – ёнғин үчириш автомобилининг ўртача ҳаракатланиш тезлиги (қаттиқ қопламали кенг кўчалар учун 45 км/соат, мураккаб ҳудудлар учун 25 км соатни ташкил қиласи)биз 40 км/соат деб қабул қиласиз.

Қуидаги формула ёрдамида куч ва воситаларнинг ёйилишга сарфланадиган вақтни аниқлаймиз. Бунда дастаклар омборга берилгани назарда тутилади, яъни  $\tau_{к.в.е} = 0,035 \cdot l_{сув} = 0,035 \cdot 40 = 1,4$  дақиқа.

бунда 0,035 – сони куч ва воситаларнинг ёйилиш вақтида 1 м масофани босиб ўтиш учун сарфланган вақт (тажриба ва таҳлиллар натижаси олинган вақт);  $l_{сув}$  – ёнғин ўчириш автомобилларини сув манбасига ўрнатилган жойдан то учтармоққача бўлган масофа, м.

Унда эркин ёниш вақти:

$$\tau_{эр.е.н.}^I = \tau_{хабаргача} + \tau_{ийилиш вақти} + \tau_{бор.} + \tau_{к.в.е.} = 8+1+2,25+1,4 = 12,65 \approx 13 \text{ дақиқа}$$

2. Фронт бўйича ёнгиннинг босиб ўтган масофаси қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$R_1 = 0,5 \cdot v_{ч.т.т.} \cdot \tau_1 + v_{ч.т.т.} \cdot \tau_2 = 0,5 \cdot 2 \cdot 10 + 2 \cdot 3 = 16 \text{ метр}$$

Бунда: 0,5 – ёнгиннинг эркин тарқалиши биринчи 10 дақиқада, меъёрдагидан 2 марта кам бўлишини ҳисобга оладиган коэффициент;  $v_{ч.т.т.}$  – ёнгиннинг тарқалиш тезлиги, 2 м/дақиқани ташкил қиласи [21];  $\tau_1$  – ёнғин бошланишидан биринчи 10 дақиқадаги вақт;  $\tau_2$  – ёнгиннинг эркин тарқалиш вақти,  $\tau_2 = \tau_{эр.е.ниш} - \tau_1 = 13 - 10 = 3$  дақиқа.

3. Тайёр маҳсулотлар омборининг ўлчамлари 24x55x8 м. Ёнғин тайёр маҳсулотлар омборининг марказида содир бўлган. Ёнғинни босиб ўтган масофаси 16 метрни ташкил қиласи. Ёнғин омбор деворларигача етиб борган, ёнғин майдони тўрт бурчак шаклини ҳосил қиласи ва тўртбурчак шаклида ёнғин тарқалаяпди.

Бу ҳолда ёнғин майдонини қуидаги формула бўйича аниқлаймиз.

$$S_{е.м.} = n \cdot a \cdot R = 2 \cdot 24 \cdot 16 = 768 \text{ м}^2$$

бунда,  $n$  – ёнғин шаклини белгиловчи коэффициент, ёнғин тўғри тўртбурчак шаклини ҳосил қиласи учун 2 га teng;  $R$  – ёнгиннинг босиб ўтган масофаси, 16 метр.

4. Ёнғин майдони бўйича талаб этиладиган сув сарфини аниқлаймиз:

$$Q_{тал}^1 \text{май} = S_{ўч} \times J_{тал} = 768 \times 0,2 = 153,6 \text{ л/с}$$

Бу ерда:  $J_{тал}$  – ёнғинга сув бериш жадаллиги,  $J_{тал} = 0,20 \text{ л/с}$

5. Куршаб олингунгача бўлган ёнғин майдонини аниқлаймиз. Ёнғин контури туширилган чизмадан оловнинг тарқалишини тўхтатиш мақсадида ёнғин ўчириш йўналишини топамиз ва чизмада ёнғин ўчириш майдонини белгилаймиз. Ёнғин бинонинг қарама–қарши деворларига етиб бормаган, ёнғин майдони айлана шаклини ҳосил қилган ва айлана шаклида ёнғин тарқалаяпди, у ҳолда

$$S_{ўч.май.} = n \cdot a \cdot h_{ўч.чук.} = 2 \cdot 24 \cdot 5 = 240 \text{ м}^2$$

бунда,  $h_{ўч.чук.}$  – ёнғинни ўчириш чуқурлиги, қўл дастаклари билан ўчирганда – 5 метрга teng.

6. Ёнғинни қуршаб олиш учун талаб қилинадиган сув сарфини аниқлаймиз:

$$Q_{тал}^1 \text{ўч} = S_{ўч} \times J_{тал} = 240 \times 0,20 = 48 \text{ л/с}$$

Бунда:  $J_{тал}$  – ёнғинга сув бериш жадаллиги,  $J_{тал} = 0,20 \text{ л/с}$

7. Ҳимоя учун сув сарфи ёнғиндаги вазият ва ёнғиндаги ҳаракатларнинг тактик шартига қараб аниқланади.

$$Q_{тал}^1 \text{хим} = N_{дас} \times q_{дас} \text{хим} = 2 \times 3,5 = 7 \text{ л/с}$$

бунда:  $N_{дас}$  – томга ва қўшни хоналар ҳимояси учун бериладиган дастаклар сони, дона;  $q_{дас} \text{хим}$  – том орқали қўшни омбор ва хоналарга ёнғиннинг том орқали тарқалмаслигини олдини олиш учун бериладиган дастакларнинг сув сарфи, л/с.

8. Ёнғинни қуршаб олиш учун умумий сув сарфини қўйидаги тенгламадан аниқлаймиз:

$$Q_{тал}^1 \text{курш} = Q_{тал}^1 \text{ўч} + Q_{тал}^1 \text{хим} = 48 + 7 = 55 \text{ л/с}$$

9. Экипажларнинг шахсий таркиби сонини инобатга олган ҳолда ёнғинга етиб келган экипажларнинг ёнғинга сув бера олиш сарфини аниқлаймиз:

$$Q_{имкон}^1 = N_{эк} \times n_{дас}^{pc-50} \times q_{дас}^{pc-50} = 4 \times 7 + 4 \times 3,5 = 42 \text{ л/с}$$

бунда:  $N_{эк}$  - экипажлар сони, бунда ёнғин содир бўлгандан кейин ёнғин содир бўлган « пахта тозалаш» очиқ акционерлик жамиятидан 1 та АЦ-40(130)63Б ва Жиззах туманида жойлашган 1-КЁХҚдан 2 та АЦ-40(130)63Б русумли, жами 3 та ёнғин ўчириш автомобиллари жалб этилади;  $n_{дас}$  - битта экипаж бера оладиган дастаклар сони;  $q_{дас}$  - хар бир дастакнинг сув сарфи л/с.

$Q_{имкон} = 42 \text{ л/с} < Q_{тад}^{курш} = 55 \text{ л/с}$  дан кичик, шунинг учун ёнғин қуршаб олинмаган ҳисобланади.

#### 4- Масала.

Ёнғин пахта ғарамида содир бўлган. Ғарамнинг ўлчамлари  $25 \times 14 \times 8$  м ни ташкил қиласди. Ёнғин  $25 \times 14 \times 8$  м ўлчамдаги ғарамда содир бўлди деб қабул қиласми. Юқори чақирув бўйича кучларнинг ёнғинга етиб келган вақтидаги ҳолатини аниқлаймиз. Ёнғинни ўчириш учун керак бўладиган куч ва воситаларни ҳисоблаб чиқамиз.

1. Биринчи дастакларни киритилгунга қадар эркин ёниш вақтини аниқлаймиз:

$$\tau_{эр.ён.} = \tau_{хабаргача} + \tau_{бор.} + \tau_{к.в.ё.}$$

бунда:  $\tau_{хабаргача}$  – ёнғин ҳақида хабар қабул қилгунга қадар ёниш вақти, масканда ёнғин ўчириш автомобили мавжудлигини инобатга олган ҳолда, 5 дақиқа деб қабул қиласми.

Масканда кўнгилли ёнғин ўчириш дружинаси ва ёнғин ўчириш автомобили борлиги учун етиб бориш вақтини 2,25 дақиқа деб қабул қиласми,  $\tau_{бориш} = 2,25$  дақиқа.

Қуйидаги формула ёрдамида куч ва воситаларнинг ёйилишга сарфланадиган вақтни аниқлаймиз. Бунда дастаклар ёнаётган пахта ғарамига берилгани назарда тутилади, яъни

$$\tau_{к.в.ё.} = 0,035 \cdot l_{cyb} = 0,035 \cdot 40 = 1,4 \text{ дақиқа.}$$

Унда эркин ёниш вақти:

$$\tau_{\text{эр.эн.}}^I = \tau_{\text{хабаргача}} + \tau_{\text{йиғилиш вақти}} + \tau_{\text{бор.}} + \tau_{\text{к.в.е.}} = 8+1+2,25+1,4 = 12,65 \approx 13 \text{ дақиқа}$$

**2.** Фронт бўйича ёнғиннинг босиб ўтган масофаси қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$R = v_{\text{ч.м.м.}} \times \tau_{\text{эр.эн.}} = 3 \times 13 = 39 \text{ метр.}$$

бунда,  $v_{\text{ч.т.т.}}$  – ёнғиннинг тарқалиш тезлиги, 3 м/дақиқани ташкил қилади (ЁЎР қўлланмаси, 22-варақ );

**3.** Биринчи бўлиб етиб келган бўлинманинг куч ва воситаларини киритиш вақтидаги ёнғиннинг айланма кўриниш майдонини аниқлаймиз:

$$S_{\text{эр.эн.}} = \pi \times R^2 = 3,14 \times 39^2 = 4775 \text{ м}^2$$

Ёнғинга қарши оралиқларни ҳисобга олган ҳолда, ёнаётган майдонни аниқлаймиз:

$$S_{\text{эр.эн. б.}} = k_{\text{мұл}} \times S_{\text{эр.эн.}}$$

Бу ерда:  $k_{\text{зан}}$  – тўлдириш коэффициенти хомашё зонасининг майдони, бунтлар майдонига нисбатан teng:

$$k_{\text{тўл}} = \sum S_{\text{эр.эн. б.}} / S_{\text{хом-ашё.з}} = 5600 / 24480 = 0,22$$

$$S_{\text{эр.эн. б.}} = k_{\text{мұл}} \times S_{\text{эр.эн.}} = 0,22 \times 4775 = 1050 \text{ м}^2$$

бу ерда:  $S_{\text{хом-ашё.з}}$  – хом-ашё захираси майдони,  $S_{\text{F.M}}$  - хомашё зонасининг майдони, ғарамлар майдони.

**4.** Биринчи бўлиб келган бўлинманинг куч ва воситаларини киритишда, ёнаётган пахта ғарамлари хили ва сони эҳтимолини аниқлаймиз:

$$N_{\text{эр.эн. б.}} = S_{\text{эр.эн. б.}} / S_6 = 1050 / 350 = 3 \text{ та бунт}$$

**5.** Ёнаётган ғарамларни ўчириш учун керак бўладиган сув миқдорини аниқлаймиз:

$$Q_{\text{тал}} = N_{\text{эр.эн. б.}} \times S_{\text{осн}} \times J_{\text{тал}} = 3 \times 350 \times 0,1 = 105 \text{ л/с}$$

Бу ерда:  $J_{\text{тал}}$  – периметри буйлаб сув бериш давомийлиги ўртacha 0,1 л/(с.м<sup>2</sup>) га teng (ЁЎР қўлланмаси).

**6. Ҳимоя учун керак бўладиган сув миқдорини аниқлаймиз:**

$$Q_{\text{тал}}^3 = Q_{\text{тал}}^T / 3 = 105/3 = 35 \text{ л/с}$$

**7. Ёнаётган пахта ғарамларини ўчириш учун керак бўладиган дастаклар сонини аниқлаймиз:**

$$N_{\text{дас}}^T = Q_{\text{тал}}^T / q_{\text{дас}} = 105/20 = 6 \text{ та ПЛС-20}$$

**8. Ҳимоя учун бериладиган дастаклар сонини аниқлаймиз:**

$$N_{\text{дас}}^3 = Q_{\text{тал}}^3 / q_{\text{дас}} = 35/7 = 5 \text{ та РС-70}$$

**9. Пахта ғарамлари устини қоралаб, дастакларнинг бир қисми ғарамларни шамоллатиш тоннеллари ичидағи ёнғинни ўчириш учун ишлатилади.**

**10. Дастаклар билан ишлаш учун шахсий таркиб сонини аниқлаймиз:**

$$N_{\text{ш.т.}} = N_{\text{дас}}^{\text{ўчирип}} \times 3 + N_{\text{дас}}^{\text{хим}} \times 2 = 6 \times 3 + 5 \times 2 = 28 \text{ киши.}$$

- енг чизиқларини назорат қилиш учун 3 киши, алоқага 1 киши.

Жами 32 киши. Ғарамларни тозалаш учун шахсий таркиб ва пахтани қайта ишлаш корхонасининг ишчиларини жалб этамиз.

**11. Асосий ёнғин ўчириш автомобиларидаги экипаж сонини аниқлаймиз.**

$$N_{\text{эк}} = N_{\text{ш.т.}} / N_{\text{ш.т.эк}} = 32 / 4 = 8 \text{ та экипаж.}$$

Демак, ёнғинни ўчириш учун 8 та экипаж талаб қилинади.

Хуноса: Ёнғинга тезкор режанинг куч ва воситаларни жалб қилиш жадвали бўйича бу корхонага 8 та экипаж жўнатилиши режалаштирилган.

**5 -Масала.** Тайёр маҳсулотлар омборида ёнғин ўчиришга сув бериш учун ёнғин ўчириш автомобилидаги насосларда сув босимини ҳисоблаш

**Керакли маълумотлар:**

- магистрал енг тармоқлари 77 мм диаметрли резинали енглардан тортилган;

- ёнғинга 7 та РС-70 дастаги, жүмрак диаметри 19 мм ва 4 та РС-50 дастаги берилған, жүмрак диаметри 13 мм;
- ёнғиндан сув ҳавзасигача бўлган масофа 40 метр;
- тайёр маҳсулотлар омборининг баландлиги 8,0 метр;
- уч тармоқли айирғич цехнинг олдига қўйилған;
- Ҳимоя дастаклари қўйидагида тақсимланган: Ёнаётган тайёр маҳсулотлар омборининг томи ва омбор конструкцияларини совутиш учун 4 та РС-50 дастаги берилған.

Магистрал тармоқдаги енглар сонини аниқлаймиз:

$$N_{\text{енг}} = 1,2 L / 20 = 1,2 \cdot 40 / 20 = 2,4 \approx 3 \text{ та енг}$$

Бу ерда: L - ёнғиндан сув ҳавзасигача бўлган масофа.

Насосдаги босимни аниқлаймиз:

$$H_6 = N_{\text{енг}} \cdot SQ^2 + Z_m + Z_{ct} + H_p = 3 \cdot 3,3 + 0 + 1 + 40 = 50,9 \text{ метр}$$

Бу ерда:  $N_{\text{енг}}$  - магистрал линиясидаги енгларнинг миқдори, дона;

$SQ^2$  – битта 20 м енгнинг қаршилиги, 51 диаметрли, резиналик енгнинг қаршилиги 3,3 метр, (ЁЎР қўлланмаси 4.8-жадвал);

$Z_m$  – жой рельефининг геометрик юқорига қўтарилиш ёки пасайиш баландлиги, метр;

$Z_{ct}$  – дастакларни максимал қўтарилиш баландлиги, метр;

$H_p$  – дастакка нисбатан ҳар 10 метрга йўқотиладиган босим миқдори, атм.

Демак, ёнғин ўчириш автомобилидаги насос 50,9 метр яъни, 5,09 атм босимни бериши керак. Бу насосни юқори қувватда ишлаши демакдир. Енглар 5,09 атм. босимига чидаши учун 1- тоифадан паст бўлмаслиги керак.

## 6 –Масала. Корхонанинг сув сарфини аниқлаш.

Хисобимиз бўйича  $25 \times 14 \times 8$  ўлчамга эга пахта ғарамларида содир бўлган ёнғинни ўчиришга 6 та ПЛС-20 ва қўшни пахта ғарамларини ҳимоя қилиш учун 5 та РС-70 дастаги берилади, яъни сув сарфини шу пайтда керакли сув сарфига қараб аниқлаймиз. Корхонанинг сув сарфи қўйидаги турларга қараб аниқланади:  
водопровод тармоқларини сув бериш сарфи бўйича;

сув ҳовузларининг ҳажми бўйича;

Биринчи услугуб бўйича жамиятнинг сув билан таъдақланганлигини текширамиз.

$$Q_{\text{сув}} = (1,5 \cdot d)^2 = (1,5 \cdot 6)^2 = 81 \text{ л/с.}$$

Пахта ғарамларида ёнғин содир бўлса ёнғин ўчиришга керак бўладиган сув сарфи 140 л/с ни ташкил.

Демак, корхона сув билан таъдақланмаган.

Иккинчи услугуб бўйича корхонанинг сув билан сарфланганлигини текширамиз.

Корхона худудида мавжуд бўлган сифими  $500 \text{ м}^3$  бўлган 1 та,  $300 \text{ м}^3$  бўлган 2 та ва  $50 \text{ м}^3$  бўлган 1 та очик сув ҳавзаси ҳамда  $100 \text{ м}^3$  бўлган 2 та ёпиқ сув ҳавзасидан фойдаланган ҳолда, корхонанинг сув сарфини аниқлаймиз.

Ёнғинни ўчириш ва ҳимоя учун керак бўладиган сув сарфи бўйича корхонадаги мавжуд сув ҳавзаларининг сув сарфини аниқлаймиз:

$$W_{\text{талақ}} = Q_{\text{талақ}} \cdot \tau^{\text{ўчириш}} \cdot 60 \cdot K_3 + Q_3 \cdot \tau^{\text{ҳимоя}} \cdot 3600,$$

агар,  $W_{\text{талақ}} \leq 0,9W_{\text{ховуз}}$ , унда ёнғин ўчиришга сув етарлидир;

агар,  $W_{\text{талақ}} > 0,9W_{\text{ховуз}}$ , унда ёнғин ўчириш учун сув етмайди.

Бунда, 0,9 – ҳовуздан қолган 10 % сувни тортиб олиб бўлмаслигини кўрсатувчи коэффициент;  $\tau^{\text{ўчириш}}$  – ёнғинни ўчириш вақти, 10 дақиқа, 60 – дақутларни секундларга ўтказиш;  $\tau^{\text{ҳимоя}}$  – ёнғиндан ҳимоя қилиш вақти, 3 соат, 3600 - соатни секундларга ўтказиш.

Корхонанинг сув билан таъдақланганлигини текширамиз.

$$W_{\text{талақ}} = Q_{\text{талақ}} \cdot \tau^{\text{ўчириш}} \cdot 60 \cdot K_3 + Q_3 \cdot \tau^{\text{ҳимоя}} \cdot 3600 = 105 \cdot 10 \cdot 60 \cdot 5 + 35 \cdot 3 \cdot 3600 = 315000 + 378000 \text{ л/с} = 693000 \text{ л/с} = 693 \text{ м}^3$$


$$W_{\text{тп(талақ)}} < 0,9W_{\text{вод(ховуз)}} = 693 < 0,9 \times (500 \cdot 1 + 300 \cdot 2 + 50 \cdot 1 + 100 \cdot 2) = 1215 \text{ м}^3$$

Хулоса. Корхона сув билан таъдақланган.

**2-амалий машғулот. Ёнғин пайтида одамларни бинолардан эвакуация  
қилиш.**

**Машғулот мақсади:** Ёнғин пайтида одамларни бинолардан эвакуация қилиш ҳисоби бўйича кўнималарини ривожлантириш.

Корхонада ёнғин содир бўлганда ишчиларни эвакуатсия қилиш вақтини аниқлаш лозим. Корхона бошқарма биноси панел турида, автоматик ёнғиндан дарак берувчи тизим билан жицозланмаган.. Корхона икки қаватли, ўлчамлари ( $A^*B$ ) м, коридор эни  $b$ , м . Корхона эвакуатсия чизмасига эга. Хона ҳажми  $B$ ,  $m^3$  жойлашиши зина поя ёнида биринчи қаватга тушишда. Зинапоя эни  $C$ , м, узунлиги  $L$ , м. Хонада  $n$  та ишчи ишлайди. Умумий қаватда  $H$  та ишчи ишлайди. Биринчи қаватда  $X$  та ишчи ишлайди. Эвакуатсия чизмаси 1-расмда келтирилган.



1-расм. Эвакуация чизмаси

## Ҳисоблаш

Категорияси бўйича хоналар ёнғинга чидамлилиги бўйича  $D$  ва ИИ даражали ҳисобланади.

Критикда вақт ёнғин давомийлиги қўйдаги формуладан аниқланади:

$$c = 1009 \text{ кЖ / кг - град}, \varphi = 0,5$$

$$W_{riti} = \frac{(V \square 80)}{100}, \%$$

$$\tau_{n,k.} = \sqrt[3]{\frac{W_{riti} \cdot \tilde{n} \cdot (t_{ed} - t_i)}{(1 - \phi) \cdot \pi \cdot Q \cdot k \cdot M^2}} = \sqrt[3]{\frac{100,8 \cdot 1009 \cdot (70 - 20)}{(1 - 0,5) \cdot 3,14 \cdot 13800 \cdot 14 \cdot (0,36)^2}} = \sqrt[3]{129,36} = 5,05 \text{ т ёт}$$

Кислород концентрацияси миқдори бўйича ёнғин давомийлиги қўйдаги

формуладан аниқланади.  $W_{O_2} = 4,76 \text{ дақ} / \text{т ёр}$

$$\tau_{n.k.}^{O_2} = \sqrt[3]{\frac{(0,01)^{-1} \cdot W_{III}}{\pi \cdot k \cdot W_{O_2} \cdot M^2}} = \sqrt[3]{\frac{100 \cdot 100,8}{3,14 \cdot 14 \cdot 4,76 \cdot (0,36)^2}} = \sqrt[3]{371,69} = 7,19 \text{ т ёр}$$

Минимал ёнғин давомилиги 5,05 дақиқани ташкил этади. Рухсат этилган эвакуатасия вақти қўйидаги обект учун:  $m=1$ ;  $\tau_{dil}^1 = m \cdot \tau_{n.k.}^1 = 1 \cdot 5,05 = 5,05$  дақ 1-участка бўйича ишчиларнинг ҳаракат вақти, хона габарит ўлчамларини ҳисобга олганда  $a \times b$  м. Ишчилар ҳаракат оқимининг зичлиги аниқланади (1-участка) бўйича:

$$D = \frac{N_1 \cdot f}{L_1 \cdot b_1} = \frac{7 \cdot 0,1}{6 \cdot 7} = 0,01 \text{ м}$$

Ҳаракат вақти 100 м/дақ, интенсив ҳаракат 1 м/мин, унда 1 участка бўйича:

$$t_1 = \frac{L_1}{V_1} = \frac{7}{100} = 0,07 \text{ дақ}$$

Ешик ўрни нол деб қабул қилинади. Эшик ўрнидан ўтишда ҳаракат интенсивлиги нормал шароитда  $t_{max}=19,6$  м/дақ, эшик ўрнининг энини  $b$  м деб олиб қўйдаги формуладан топамиз:

$$\kappa_d = 2,5 + 3,75 \cdot b = 2,5 + 3,75 \cdot 1,1 = 6,62 \text{ м/дақ},$$

$\kappa_d q_d \leq q_{max}$  шарт бажарилиши лозим.

Ешик ўрнидан ўтиш вақти қўйдаги формуладан аниқланади:

$$t_{dL} = \frac{N \cdot f}{q \cdot b} = \frac{7 \cdot 0,1}{6,67 \cdot 1,1} = 0,09 \text{ дақ}$$

Ишчилар сони умумий  $H$  та ишчи ишлайди, иккинчи қаватда одам оқиминин I зичлиги ташкил этади:

$$D_2 = \frac{N_2 \cdot f}{l_2 \cdot b_2} = \frac{98 \cdot 0,1}{28 \cdot 3} = 0,11 \text{ м}$$

Ҳаракат тезлиги  $L_2$  м/дақни ташкил этади, ҳаракат интенсивлиги  $B_2$  м/дақ, 2-участкада ҳаракатланиш вақти (коридордан зинапоягача):

$$t_2 = \frac{L_2}{V_2} = \frac{28}{80} = 0,35 \text{ daq}$$

Зинапояда ҳаракат интенсивлиги қуйдагича аниқланади (3 -участка):  $q_{i-1} = 8$

$$q_i = \frac{q_{i-1} \cdot b_{i-1}}{b_i} = \frac{8 \cdot 3}{15} = 1,6 \text{ m},$$

Зинада пастга қараб ҳаракат қилиш вақти (3-4- участка):

$$t_3 = t_4 = \frac{L_3}{V_3} = \frac{10}{40} = 0,25 \text{ daq},$$

Биринчи қаватга түшгандан одамлар билан аралашып шағында өткөннен кийін 3-4- участка қаватта оқимининг зичлигі биринчи қаватда:

$$D_4 = \frac{N_4 \cdot f}{L_4 \cdot b_4} = \frac{76 \cdot 0,1}{28 \cdot 3} = 0,09 \frac{\text{m}}{\text{daq}}.$$

Күчага чиқищдегі марапат интенсивлиги вақти:

$$\mathbf{H} = (\mathbf{H} + \mathbf{X})$$

$$t_{d_2} = \frac{N \cdot f}{q \cdot b} = \frac{174 \cdot 0,1}{8,5 \cdot 2} = 1,02 \text{ daq}$$

Евакуациянинг мисобий вақти қуйдаги формуладан аниқланади:

$$t_\delta = \tau_{i\hat{e}} + t_1 + t_{d1} + t_2 + t_3 + t_4 + t_{d2} = 5,05 + 0,07 + 0,09 + 0,35 + 0,25 + 0,25 + 1,02 = 6,88$$

Холоса Умумий корхонадан эвакуатсия вақти  $t_{eb}=6,88$  дақни ташкил этади.

1-жадвал

Эвакуация вақтини аниқлашга оид вариантлар

T/p	Вариантлар									
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

AxB											
					(15x17)						
б	3	2	4	5	2,5	3,5	4,5	2,75	2,85	3,15	
В	125	128	114	175	166	152	132	134	124	125	
C	1,25	1,5	1,75	1,15	1,35	1,20	1,22	1,30	1,25	1,5	
Л	12	11	10	9	13	14	10	11	12	11	
н	7	8	9	10	6	11	12	7	8	9	
H	100	102	96	98	104	110	112	118	120	122	
X	80	82	84	86	76	78	79	82	84	87	
$t_{kp}, t_H$											
J	12800	65,22									
$\kappa$	11	12	13	14	15	10	12	11	11	12	
M	0,25	0,28	0,24	0,32	0,35	0,37	0,27	0,23	0,33	0,34	
$a\bar{b}\bar{c}$	5x6	6x7	10x8	10x9	6x8	5x9	6x7	8x9	9x6	7x8	
Л <sub>2</sub>	30	25	32	28	32	29	25	22	36	21	
B <sub>2</sub> , B <sub>3</sub>	85,35	75,25	70,30	82,28	86,35	92,43	95,45	92,27	90,26	81,38	
қ	10	6	11	12	7	8	9	10	6	11	

### З-амалий машғулот: Автоматик ёнгиндан дарак берувчи огоҳлантириш қурилмаларини хисоблаш

**Ишдан мақсад:** Огоҳлантирувчи қурилмаларни ўрганиш ва жойлаштиришни ўрганиш бўйича амалий қўнималар ҳосил қилиш.  
 Автоматик огоҳлантириш қурилмаси деб, электр сигналларини алоқа каналлари орқали қабул қилиб ва маълум қийматда узатилишига айтилади.

**Ёнғин алоқаси ва сигнализацияси.** Ёнғин алоқаси ва сигнализацияси ёнғинни ўз вақтида сезиш, аниқлаш ва у тұғрисида ёнғин үчирувчиларга хабар бериш учун ишлатилади. Уларга теле ва радио алоқа, ёнғин сигнализацияси қурилмалари, электрик сигналлар, құнғироқлар ва транспорт воситаларининг сигналлари киради.

А, Б ва В категориясидаги ёнғинга хавфли объектларда ёнғин ҳақида хабар берувчи датчиклар үрнатилади. Улар ёнғин бўлган тақдирда қабул қилиш аппаратига сигнал юборади. Бундай системалар ёнғин сигнализасияси деб аталади. Ёнғинни автоматик сигнализация қурилмаси тўғри ва айланасимон схемада үрнатилади. Улар ишлатиладиган датчиклар турига боғлиқ ҳолда иссиқлик, тутун муҳофазаловчи ва комбинасиялашган турларга бўлинади. Бу қурилмалар ёнғин ва муҳофаза-ёнғин турларига бўлинади. Ёнғиндан муҳофаза системалари қимматбаҳо материаллар сақланадиган омборларда, турар жой кварталларида ишлатилади. Ёнғин ва унинг муҳофаза сигнализациясининг асосий элементларига ёнғин тұғрисида хабар берувчи қурилма қабул қилиш станцияси, алоқа тармоғи, кучланиш манбаи, товушли ёки ёруғлики сигнал қурилмаси киради.

Ҳар қандай ёнғинни үчирганда ёнғинни кучайишига олиб келаётган омилларни ва шароитини аниқлаш мухим ўринни эгаллайди. Бунда ёнишнинг давом этишини тўхтатувчи шароит яратиш катта аҳамиятга эга. Ёнғинни үчирганда қаттиқ жисмлар ёнғанда ёнғиннинг тезлиги 4 м/мин, суюқликлар юзаси бўйи эса 30 м/мин эканлигини хисобга олиш керак.

Ёнишдан ҳосил бўлган махсулотлар асосан қаттиқ чангсимон моддалар, парлар ва газлардан иборат бўлади.

Ундан ҳосил бўладиган ҳарорат эса, модданинг ёнғанда иссиқлик ажратиши ва ёниш тезлиги ва аланганинг тарқалиши, шунингдек бинонинг ҳажми ва ҳаво алмасиш шароитларига боғлиқ бўлади.

Юқори ҳарорат таъсирида қизиган тутун ёниш махсулотларини тезликда тарқалишга ёрдам беради, шунингдек хона тутунга тўлади ва бу ўз навбатида ёнғинни үчиришга халақит беради.

Ёнғин вақтида күп миқдорда инерт газлар, ёнувчи газлар ва шунингдек тутун ажралиб чиқади. Ёнувчи газларнинг асосий қисми заҳарли бўлиб, уларнинг зарарли таъсири ёнаётган материалларнинг тури ва ёнишининг интенсивлигига боғлик.


Зарарли таъсирчан ва заҳарли газлар ёнғинга қарши муҳофаза қатламлари ёнганда (бром бирикмалари ва хлор), ёғоч материаллар ( $\text{CO}$ ) полимер қурилиш материаллари ва бошқа жуда күп ҳолларда ажралиб чиқади. Тўла ёниб бўлмаган ёниш маҳсулотлари қизигандан кейин ва соғ оқими таъсирида қайтадан алангана олиб кетиши мумкин.

Ёнғин (ўт) ўчириш воситалари ва усуллари. Ўт ўчириш усулари қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Ёнаётган зонани күп миқдорда иссиқлик ютувчи материаллар ёрдамида совитиш.
2. Ёнаётган материалларни атмосфера ҳавосидан ажратиб қўйиш.
3. Ёнаётган зонага кираётган ҳаво таркибидаги кислород миқдорини камайтириш.
4. Махсус химиявий воситаларни қўллаш.

### **3.2. Иссиқлик огохлантиргич қурилмаларнинг турлари.**

Асосан ишлаш принципи термо электр тўлқинларини мавжудлиги. Агар ҳар турдаги металлар орасида ҳарорат ўзгарса у ҳолда занжир бирикади ва қурилма ишлай бошлайди. Ҳозирги пайтда ДПС-033 ва ДПС-1АГ турлари ишлатилади. Улар дифференциал огохлантиргичлар турига киради.



### 3.1- расм. Ярим утказгичли иссиқлик огохлантиргичлар.

Ишлаш принципи юқори сезувчи ҳарорат сезувчи қаршиликлар ва ҳарорат ўзгаришини сезувчи элемент.

Ҳарорат қаршилик тезда сезувчи реле орқали аниқлайди: КМТ-1, КМТ-4, КМТ-11. Асосан релени ишлашида унумдорлиги ҳарорат қаршиликни электр тармоқга улаНильса тармоқда электр токи кўпайганлигини сезиш мумкин.



### 3.2- расм. Тутунли огохлантиргичлар.

Ишлаш принципи ток кучини сезувчи элемент орқали утаётган катталигини узгаришида бунда асосан сезувчи элемент (тутун пайтида концентрасиясини узгариши) .

Сезувчи элемент фотоэлементли ва ионли камера. Огохлантиргич ТО-1-тиратрон реле, сезувчи элемент- ионли камера, асосан ишни бажарувчи органиктиратрон разряди совук катод билан. Ионли камерада ИК радиоактив мода сифатида плутоний - 239 парчаланиш даври  $2,4 \cdot 10^4$  йил.



3.3- расм. Комбинасиялашган огохлантиргичлар.


КО-1 ишлаш принципи тутун ва харорат кутарилишига сезиш орқали амалга оширилади, харорат оралиги ( $60\text{-}80^{\circ}\text{C}$  гача) назорат хонасида. Огоҳлантиргич нормал ишлаш шароити харорат  $-30^{\circ}$  до  $-60^{\circ}\text{C}$  ва нисбий намлик - 80%. Ишга тушиш вақти 10 секунддан ортиқ эмас.

#### Ёрглик огоҳлантиргичлар.



Ишлаш принципи ультрафиолет чўлгамларини (фотонлар) пайдо булиши, асосан очик ёниш жойларида унумдорлиги юқори. Огоҳлантиргич ЁО-1 табиий ёритилганлик даражаси 50 лк дан oshmasligi kerak.

Стандарт бўйича детектор тутун сезиш масофаси 7,5 м дан ошмаслиги, иссиқлик детекторлар – 5,3 м горизонтал проекция бўйлаб. Шундай қилиб огоҳлантирувчиларни жойлаштиришда хона турига қараб жойлаштириш осон. Энг яқин огоҳлантиргичгача горизонтал проекция бўйлаб 7,5 м дан ошмаслиги керак, тутунли – 5,3 м дан ортмаслиги керак. Қайдаги жойлаштириш орқалиғи яъни орасидаги масофа 10,5 м, тутунли - 7,5 м. Огоҳлантирувчиларни эконом қилиш даражаси (таксиминан 1,3 баробар) катта хоналарда жойлаштириш қўйдаги чизмада келтирилган асосан учбуручак шаклида жойлаштирилади.



3.1- расм. Огохлантиригчларни ўрнатиш чизмаси.

3.1-жадвал

Вариант	Иссиқлик	Тутунли
1	46x125.	67x89
2	50x67	78x65
3	87x90	110x95
4	95x125	115x135
5	84x143	55x85
6	98x106	86x78
7	35x65	91x96
8	58x85	87x95
9	38x92	95x45
10	39x45	65x75

3.2- жадвал

№	Хона юзаси ( $m^2$ )	Огохлан. Сони (дона.)	Девордан масофа (метр)	Радиуси (метр)	Орасидаги масофа
1	Тутунли ( $....m^2$ )				
2	Иссиқлик ( $....m^2$ )				

## **Автоматик ёнғиндан дарак берувчи огоҳлантириш қурилмаларининг техник таснифи**

Ишончлиги, конструкцион бажарилиши, ёнғиннинг аниқлаш вақтини топиш тарзлари, иссиқлик ва тутун хабарловчиларнинг ўрнатилиш минимум ва максимум баландликларига алоҳида изоҳ берамиз.

5.3. Жадвалда ўрнатилган баландлигига боғлиқ ҳолда, битта иссиқлик ёки тутун хабарловчисининг меъёрий назорат худуди келтирилган.

3.3. жадвал

Ёнғин хабарловчисининг тури	Ўрнатилган баландлиги, м	Максимал назорат худуди, м <sup>2</sup>
Иссиқлик	3,5 м гача	25
	3,5 м дан 6,0 м. гача	20
	6,0 м дан 9,0 м. гача	15
Тутун	3,5 м гача	85
	3,5 м дан 6,0 м. Гача	70
	6,0 м дан 10,0 м. Гача	65
	10,0 м дан 12,0 гача	55

Жадвалдан кўриниб турибдики, ўрнатилган баландлиги ўсиши билан назорат худуди камайиб боради. Агар хабарловчи белгиланган максимал баландликдан юқорида ўрнатилган бўлса, ёнғинни самарали аниқланиши кафолатланмайди. Ташқи таъсирлардан ҳимояланганлиги деб - хабарловчининг назорат қилинаётган аломатга физикавий жиҳатдан яқин бўлган турли ташқи таъсирларга қарши туриш қобилияти тушунилади. Хабарловчининг маълум шароитларда ишлатилганда белгиланган муддат давомида ўз иш ҳолатини сақлаб қолиш қобилияти унинг ишончлилиги дейилади. Конструкцион бажарилиши – ишлатилишининг турли шароитларига кўра - оддий, сувдан ҳимояланган, чанг ва сувдан ҳимояланган ва портлашдан хавфсиз кўринишида бажарилган бўлиши мумкин. Ёнғин бошланиш пайтида назорат қилинаётган

аломатнинг абсолют қиймати юксала бошлайди ( $K_o = f(\mu)$ ). Ишлаш остонаси қийматига етганда А нуқтасида ёнғин хабарловчиси ишга тушади,  $r_i$  (инерционлик) вақтидан сўнг хабарловчи огоҳлантирувчи техник воситаларга сигнал узатади.

Ёнғин бошлангандан то уни аниқлагунча ўтган  $r_{an}$  вақт – ёнғиннинг аниқлаш вақти дейилади. У хабарловчининг кўрсаткичларига (ишлаш остонаси, инерционлигига) боғлиқ бўлганидек, назорат қилинаётган аломатнинг хабарловчи ўрнатилган жойда ўзгариш тезлигига ҳам боғлиқдир.

#### **4-амалий машғулот: Нафас олиш жараёнида газ ва тутунларнинг инсон организмига таъсирини ҳисоблаш**

**Ишдан мақсад:** Кислородли ҳимоя газниқбларни, респиратор, сиқилган ҳаволи аппаратларни, ГТҲҲ (газ ва тутундан ҳимоялаш хизмати) автомобилларини, тутунютгичларни, компрессорларни вазифаси, тузилиши ва ишлаш тартибини ўрганиш.

#### **Назарий қисм**

**Нафас олиш жараёнида газ ва тутунларнинг одам организмига таъсири.** Бизга маълумки, нафас олиш жараёни тирик организмнинг белги ва хусусиятлариидир. Нафас олиш туфайли организм ва ташқи муҳит билан газ алмашуви рўй беради. Газ алмашуви натижасида қон кислород билан тўйинади, бу организм томонидан сарфланган энергия манбаларини тиклаш учун истеъмол қилинган озуқа моддаларининг оксидланиши учун керак.

Нафас олинганда ҳаво бурун бўшлиғи орқали, томоқ, трахея ва бронхлар орқали ўпка алвеолаларига тушиб, организмда тўпланган углекислота ва сув билан таъдақланади. Ишлатилмай қолган кислород ва қондан ажралган маҳсулотлар атмосферага нафас орқали чиқиб кетади. Оксидланиш жараёни, маълумки организм ҳужайраларида рўй беради. Организм барча тўқималарга кириб борувчи кислород, ўзига хос транспорт воситаси бўлувчи қон орқали ҳужайраларга етказиб турилади.

Шундай қилиб, нафас олишнинг ўралган ҳалқаси уч жараёндан иборат:

- (ўпка) нафас олишдан;
- ички (тўқима) нафас олишдан;
- газларнинг қондан олиб ўтилишидан:

Бундан ташқари, умумий газ алмашувининг 1-2% тери буғлари орқали рўй беради.

### ***Нафас олинадиган ва чиқариладиган ҳавонинг таркиби***

Нормал ҳолда атмосфера ҳаво таркибида қуйидаги газлар мавжуд:

- 78,09% азот;
- 20,95% кислород;
- 0,03% карбонат ангидрид;
- 1% бошқа газлар;

Инсон нафас чиқариш жараёнида ҳаво таркиби қуйидаги газлардан ташкил топган:

- 78,09 % азот;
- 16 % кислород;
- 3 % карбонат ангидрид;
- 1% бошқа газлар.

**Ўпканинг ҳаётий ҳажми.** Бу кўрсаткич спирометр номли қурилмада аниқланади. Бу қурилма одамнинг нафас чиқаргандаги ҳавонинг ҳаждақи аниқлайди, бу катталик-3500 мл га teng. Одам тинч ҳолатда 500 мл атрофида ҳаво ютади ва чиқаради. Бу ҳаво ҳажми нафас чиқариш ҳажми деб аталади. Ваҳоланки, одам тинч нафас олиш ва нафас чиқаришдан сўнг, яна қўшимча 1500 мл атрофида ҳаво ютиши ва чиқариши мумкин. Одам қўшимча ютиши мумкин бўлган ҳаво ва организмдан қўшимча чиқарилган ҳаво, захира ҳаво дейилади.

Нафас олиш қўшимча ва захира ҳаволарнинг ҳажмий йифиндиси ўпканинг ҳаётий ҳаждақи ташкил этади.

Ўпка ҳаётий ҳаждақинг катталиги одамнинг ёшига, жинсига, жисмоний машқига боғлиқ.

Одатда машқ қилмаган 19-35 ёшли эркакларда ўпка ҳаётий ҳажми ўртача 3500 мл.га тенг. Спорт билан шуғулланувчиларда эса бу қўрсаткич бирмунча юқори бўлиб, у 5000 мл. ва ундан юқори.

**Нафас олишининг тезлиги:** Нафас олишининг тезлиги деб, вақт бирлигидан нафас олиш ва чиқаришлар миқдорига айтилади. Жисмоний машқ қилмаган одам учун тинч ҳолатда бу қўрсаткич тахдақан 1 дақиқада 12-18 та нафас циклига тенг, жисмоний машқ қилган одамнинг (спортчиларда) нафас олиши бир мунча кам бўлиб, дақиқада 6-8 нафас олиш циклига тенг. Нафас олиш тезлиги, мушаклар ишининг ошиши билан ўсиб боради, машқ қилмаган одамларда хам улар ишлагандага ўсиб боради.

**Ўпкани шамоллатиши:** Ўпка вентиляцияси вақт бирлиги ичида ўпкада айланадиган ҳаво миқдори билан аниқланади, яъни 1 дақиқа давомида одам нафас олган ва чиқарган ҳавонинг ҳажмий миқдори билан аниқланади. Одатда ўпка вентиляцияси нафас олиш ва нафас чиқариш ҳавосининг тезлиги бир нафас олиш циклининг таркиби. Агарда тинч ҳолатда нафас олиш циклини, нафас олгандаги ҳажми 500 мл ни ташкил этса, ўпка орқали 1 дақиқада 8-9 литр ҳаво ўтади.

### ***Ёнгин жараёни маҳсулотлари ва уларнинг одам организмига таъсири***

Ёниш жараёни оксидланишдир, бунинг натижасида иссиқлик ажralиб чиқиш ва ёниш маҳсулотлари тутун ҳолида кузатилади. Ёнишда ажralиб чиқаётган тутуннинг таркибий қисдақи «нормал газ» деб аталувчи (кислород, азот, карбонат гази, сув буғлари ва углерод оксиди) моддалар ташкил этади. Бу моддаларнинг ёнғинларда ҳосил бўлиши турлича.

Ёнғинларда ҳавода кескин кислород ютиш содир бўлади. Шунинг учун бир қисми материал кислород етмаган ҳолда ёнади. «Куруқ ҳайдаш» содир бўлиб, ҳар хил суюқ, қаттиқ ва газсимон маҳсулотлар ҳосил қиласи. Масалан, ёғоч чала ёнганда, кўмир (қаттиқ модда), карбонат кислота, углерод оксиди, метан ва бошқа углеводород (газлар) ҳосил бўлади. Чала ёниш маҳсулотлари одам ҳаёти учун хавфли, айникса, углерод оксиди жуда кучли заҳарловчи моддадир.

Кислород - инсон ҳаёти учун керак бўлган газ. Нафас олганда, кислород ўпкада қон гемоглобини билан қўшилиб организмнинг барча катак ва тўқималарига тарқалади. Кислород ҳидсиз ва рангсиз газдир. У ҳаводан бир оз оғирроқ (1,43 г/л), ёнмайди, лекин ёниш жараёнини тезлаштиришга кўмаклашади ва шу жойда кислороднинг пасайиб кетиши кузатилади. Шунинг учун ёнгинда нафас олиш органлари ҳимоя қилинмаган шароитда кислород етишмаслиги содир бўлади. Бошланишида ҳавода кислороднинг миқдори 16-18% бўлганда, юрак уриши тезлашади, ҳаракатланиш координацияси бироз бузилади, нутқ қобилияти бирмунча пасаяди. Сўнгра кислород миқдори камая бориши билан кўрсатилган белгилар янада кескин шаклда ўзгариб, одам хушидан кетади. Кислород етишмаслигининг қўрқинчли томони шундаки, одам жисмонан бу ўзгаришларни сезмайди ва керакли чораларни кўра олмайди. Кўп миқдорда бўлса, ҳатто атмосфера босими ҳолатида ҳам киши организдақи заҳарлаши мумкин.

Мисол:  $P = 0,1 \text{ Мпа}$  ( $1 \text{ кг}/\text{см}^2$ ) бўлган атмосфера ҳолатида тоза кислород билан нафас олганда, уч кундан кейин ўпкада яллиғланиш ҳолати кузатилади. Агар кислороднинг парциал босими  $0,3 \text{ МПа}$  ( $3 \text{ кг. к}/\text{см}^2$ )дан ошса,  $15 \div 30$  дақиқадан кейин мушаклар тортишиб, одам хушидан кетиши мумкин.

Карбонат ангириди (Углерод диоксиди,  $\text{CO}_2$ ). Оддий ҳолда рангсиз, нордон таъмга эга, ёнмайди ва ёнишни тезлаштирмайди, ҳаводан  $1,5$  маротаба оғирроқ, сувда ёмон эрийди. Инсон организми тўқималарида оксидланиш маҳсулоти сифатида пайдо бўлиб, ўпкадан оғиз ва бурун орқали нафас олиш ва тўқималардан терлаш натижасида чиқариб юборилади.

Карбонат ангиридининг организмда нормал ҳолда бўлиши марказий нерв тизими орқали бошқариб турилади. Унинг ҳаводаги миқдори кўпайиши билан киши организмидаги миқдори ҳам аста-секин ошиб бориши кузатилади. (Зарарсиз миқдори  $0,04\%$ га teng).

Ҳаво таркибида CO<sub>2</sub> нинг микдори 3% гача бўлганда юрак уриши ва нафас олиши тезлашади. Организмнинг ўзини бундай тутиши ундаги CO<sub>2</sub> нинг ортиқча микдорини чиқариб юборишга хизмат қилади.

Ҳаво таркибида CO<sub>2</sub> нинг микдори 3% дан ортиқ бўлганда ва ундан узоқ, муддатда нафас олиш натижасида организмда патологик ўзгаришлар рўй беради, чунончи марказий нерв тизимида, юрак ва нафас олиш тизимида хамда модда алмашиш тизимида бузилиш ҳолати вужудга келади. CO<sub>2</sub> босидақинг ошишини, кислороднинг заҳарлилик қобилиятини ва азотнинг наркотик таъсирини кучайтиради. Атмосфера босими нормал ҳолда, оғирлиги 70 кг бўлган одам организмида 1 литр азот аралашмаси ҳосил бўлади. Бундан ташқари, маҳсулотлар ёниши натижасида углерод оксиди (CO) ҳам ажралиб чиқади.

Углерод оксиди (CO) - рангсиз ва ҳидсиз газ бўлиб, ҳаводан бир оз енгилроқ (1,25 г/л), сувда эримайди, яхши ёнади. Углерод оксидининг заҳарловчи омили унинг қон гемоглобини билан бирикиб карбоксигемоглобин ҳосил қилишидадир. Бу ҳолатда киши организмда кислород етишмаслиги юзага келади. Организмнинг углерод оксиди билан заҳарланиш даражаси, унинг ютиладиган ҳаво муҳитидаги таркибига боғлиқ.

Инсонда нафас олиш маҳсус орган-ўпка билан бажарилади. Ўпка майдада пуфаклар - алвеолалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг катталиги ўртacha 0,2 мм.га етади ва умумий юзаси 90 мм<sup>2</sup> ни ташкил қилади. Қон алвеол ҳужайралари орасида тўхтовсиз ҳаракатланиб кислородни ютади ва CO<sub>2</sub> ни ажратиб чиқаради. Ўпка орқали чиқаётган газ аралашмаси 16?18% кислород (O<sub>2</sub>), 3?5% карбонат ангидрид (CO<sub>2</sub>) дан иборат бўлиб, бунда тана ҳарорати 36,8 °Сни ва намлиги 85?100% ни ташкил этади.

Инсон 1 дакиқада ўртacha 16?20 маротабагача нафас олиб - нафас чиқаради. Шу вақт ичида ўпка орқали 9-10 л. ҳаво ўтади. Ўпкадан ўтувчи бу ҳаво микдорини дақиқавий нафас микдори дейилади (Д.Н.М.).

Инсон организмига берилган оғирлик микдорига мос равишида нафас олиш ва кислород ютиш микдори ҳам ошади. Агар оддий шароитда инсон организми:

ўтирганда - 10,6 л., турганда - 12 л. ҳаво ютадиган бўлса, 3-3,5 км/с тезлик билан юрганда - 25 л., 10-12 км/с тезлик билан югурганда - 64 л., оғир иш бажарганда (12-15 кг) - 75 л. ҳавони ютиши мумкин.

Ёнғин содир бўлган муҳитдаги ҳавонинг таркиби анчагина ўзгариб маҳсулотларнинг ёниши натижасида ажралиб чиқсан заҳарли газларнинг миқдори кўпаяди, кислород миқдори эса камаяди. (4.1-жадвалга қаралсин).

Шунга қараб киши организмидаги физиологик жараёнлар ҳам ўзгаради. (2-жадвалга қаралсин).

Ҳар хил полимер маҳсулотларнинг ёниши оқибатида ҳавода турли заҳарли моддалар ҳосил бўлади. Киши организмига таъсири даражасига қараб заҳарли моддалар 4 синфга бўлинади:

- 1- ўрта заҳарли моддалар;
- 2 - кучли заҳарли моддалар;
- 3 - заҳари ўртача бўлган моддалар;
- 4 - заҳари кам бўлган моддалар.

Ёнғинда ҳаво таркибининг ўзгариши (%).

4.1-жадвал.

Ёнғинлар:	CO	CO <sub>2</sub>	O <sub>2</sub>
Ертўлаларда	0,04÷0,65	0,1÷3,4	17÷20
Қаватларда	0,01÷0,4	0,3÷10,1	9,9÷20,8
Чордокларда	0,01÷0,4	0,1÷0,7	17,9÷20,7

Ҳаво таркибидаги CO ва CO<sub>2</sub> нинг миқдорига қараб инсон организмидаги содир бўладиган ўзгаришлар.

4.2- жадвал.

Газ	Ҳаводаги миқдори, %	Инсон организмига таъсири
CO	0,01	Бир неча соат ичида сезилмайди.
	0,05	Бир соат ичида сезилмайди.
	0,1	Бош оғриги бошланади, 1 соат ичида қўнгил айнайди.

	0,5	20-30 дақиқада ўлдириши мүмкін.
	1	Бир неча марта нафас олғандан кейин ҳушдан кетиш, 1-2 дақиқадан сүнг заһарланиш мүмкін.
CO <sub>2</sub>	1÷2	Нафас олиш мобайнида ўзгариш сезилмайды.
	4÷5	Қулоқларда шовқин кучаяди ва нафас олиш тезлашади.
	8	Бош айланиши ва оғриши кузатилади
	10	Инсон ҳушидан кетади

Углерод оксид (CO). Қулай шароитда углерод оксид ёнувчи газ бўлиб, рангсиз ва ҳидсиз, ҳавога нисбатан унинг зичлиги 0,97 г/см<sup>2</sup>га teng.

Углерод оксид таъсир этганда, қон кислород ютиш қобилиятини йўқотади. Нафас оладиган аралашма таркибида CO ҳажми 0,05% дан ошмаса, бир соат давомида организм заҳарли таъсирни сезмайди. CO таркиби 0,1 % дан ошса, бош оғриғи, қусиши, умуман ўзини ёмон ҳис қилиш бошланади.

Ҳаво таркибида 0,5% CO сақланиб ва инсон бу ҳавони истеъмол қилса, 20-30 дақиқа ичидаги ўлимга олиб келади. Нафас олинган ҳаво таркибида 1% CO сақланса, 1-2 дақиқа ичидаги ўлимга олиб келади.

Синил кислота буглари. Синил кислота буглари ўта заҳарли модда ҳисобланади. 0,005% синил кислота буғларидан нафас олганда, одамни сезиларли даражада ўзини ёмон ҳис қилишига олиб келади. Бош оғриғи, қусиши ва юрак тез уриши пайдо бўлади. Синил кислотанинг ҳаёт учун хавфли концентрацияси 0,01% ga teng бўлиб, унинг концентрацияси 0,027 % дан ошиши тезкор ўлимга олиб келади. Ҳавода синил кислотасининг юқори концентрацияда, одам организмига тери орқали кириш хусусиятига эга. Синил кислота концентрацияси 1% ва ундан юқори бўлса, 2-5 дақиқадан сўнг, нафас олиш органлари ҳимояланган ҳолда ҳам одамда кучли юрак уриши, бош оғриғи, қусиши, терининг қизил ва оқ доғлар билан қопланиши кузатилади. Шунинг учун бундай шароитда ҳимоя газниқбларидан фойдаланиш ноўриндир ва бундай объектлар алоҳида ҳисобга олинади, ёнғин хавфсизлиги хизматчилари эса ҳимоя

газниқбларидан ташқари, махсус ҳимоя кийимлари билан таъдақланишлари шарт.

**1- Масала.** Нафас олишга яроқсиз мұхитта киришдан олдин баллондаги кислород босими 180 атм.га тенг эди. Иш жойига боргунча босим 160 атм.га тушди, демек 20 атм.сарф қилинди. Тоза ҳавога чиқиш учун назоратта босим:

$$Ro.q = Ry + \frac{P_{\text{y}}}{2} + 30$$

$$20 + 10 + 30 = 60 \text{ кгс/см}^2 \text{ тенг бўлади}$$

Бу ерда: Ro.қ – Тоза ҳавога чиқиш учун назорат босими  $\text{кгс/см}^2$

Ry – Нафас олишга яроқсиз мұхит босими  $\text{кгс/см}^2$

30 – сарф қилинган босим  $\text{кгс/см}^2$

## V. Кейслар банки

### «Кейс-стади» методи

«Кейс-стади» - инглизча сүз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс харакатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### «Кейс методи» ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишириш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li><li>✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li><li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li><li>✓ ахборот таҳлили;</li><li>✓ муаммоларни аниқлаш</li></ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li><li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li><li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li></ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топширигининг	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li><li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li></ul>

ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

**Муаммо:** Ишлаб чиқаришда ёнгинни келиб чиқишига, кўпинча ёнгин ёки электр хавфсизлиги қоидаларини қўпол равища бузилиши, электр тармоқларини яхши ҳимояланмаганлиги, ёнувчи моддаларнинг сақлаш қоидаларини бузилиши ҳамда оловга нисбатан эҳтиётсизлик қилиш кабилар сабаб бўлади. Баъзан ёнгинни ёки портлашни келиб чиқишига, иншоотни лойиҳалаш вақтида бўлажак саноат корхонасини ёниш ва портлаш хавфи бўйича нотўғри тоифаланиши, яъни унда ишлатиладиган хомаш ёнинг ёниш ва портлаш хусусиятлари аниқ хисобга олинмаганлиги ҳам сабаб бўлади.

### Муамони аниқлаш ва бартараф этиш:

Ишлаб чиқаришда ёнгин ва портлашни келтириб чиқарувчи хавфли омилларни мукаммал ўрганиб чиқиш лозим бўлади. Ишлаб чиқариш тартиботи жараёнида ёниш ва портлаш хавфи мавжудлигини қуйидаги тартибда аниқлаш мумкин:

- 1.Корхонада ишлатиладиган ёнувчи ва портловчи моддаларнинг турлари ва уларнинг миқдори аниқланади;
- 2.Ишлаб чиқариш тартиботи ва унда ишлатиладиган ёнувчи моддаларнинг ишлатилиш тартиби аниқланади;
- 3.Корхонадаги технологик ускуналардан ёнувчи моддаларнинг оқиб чиқишини мавжуд сабаблари ва ҳажми аниқланади;

4. Ёндирувчи ва портловчи манбаъларни келиб чиқиш сабаблари аниқланади;
5. Содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин сабабларини ва унинг эҳтимолий йўналишини, бинонинг лойиҳаланиш услубига ва ёнишга мойил бўлган пардозлов ашёларининг жойланишига қараб аниқланади ва ҳоказолар.

Технологик жараёнларни ёниш ва портлаш хавфини таҳлил қилишда, одатда технологик жараёнда қўлланиладиган тартибот услуби ва ишлаб чиқаришни меъёрий режалари, ҳамда ишлатиладиган ёнувчи моддаларнинг кимёвий хоссалари ҳақидаги маълумотлар атрофлича кенг ўргаанилади.

Технологик тартибот услуби ва ундаги меъёрий қоидаларга биноан қайси идиш ёки аппаратларда қандай ва қанча ёнувчи газ, суюқлик ёки бошқа моддалар борлиги ҳамда улар қандай босим остида ва ҳароратда ишлаши мумкинлиги ҳақида аниқ кўрсатмалар ифодали тарзда жараённи бошқарув пультида баён этилган бўлиши шарт.

## VI. ГЛОССАРИЙ

<b>Ўзбекча</b>	<b>Инглизча</b>	<b>Шарқи</b>
<b>Ёнғин назорати</b>	Fire control	ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя - қилинишини текшириш ва текширув натижалари бўйича чоратадбирлар кўриш мақсадида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолият
<b>Ёнғинлар профилактикаси</b>	Fire profilactics	ёнғинлар келиб чиқиши эҳтимолини истисно этишга вауларнинг оқибатларини камайтиришга қаратилган огоҳлантириш чоратадбирлари мажмуи
<b>Ёнғиндан сақлаш хизмати</b>	Fire Protection Service	одамларнинг ҳаёти ва соғлигини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, атроф табиий муҳитни ёнғинлардан ҳимоя қилиш, шунингдек объектларда, аҳоли пунктларида ҳамда бошқа худудларда ёнғинхавфсизлигини талаб даражасида сақлаб туриш мақсадида белгиланган тартибда ташкил этилган бошқарув органлари, кучлар вавоситалар мажмуи
<b>Ёнғин хавфсизлиги</b>	Fire safety	одамларнинг, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкининг, шунингдек атроф табиий муҳитнинг ёнғинлардан ҳимояланганлиги ҳолати
<b>Ёнғин хавфсизлиги талаблари</b>	Fire safety requirements	ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қонун хужжатларида белгиланган ижтимоий ва (ёки) техник хусусиятга эга маҳсус шартлар

<b>Ёнғин хавфсизлиги талабарининг бузилиши</b>	Violation of fire safety requirements	ёнғин-хавфсизлиги талабарини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик; Ёнғин - техник маҳсулоти ёнғин хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган маҳсус техник, илмий-техник ва интеллектуал маҳсулотлар, шужумладан ёнғинни ўчириш техникаси ва асбоб-ускуналари, ёнғинни ўчириш аслаҳа-анжомлари, оловни ўчириш ваоловдан ҳимоя қилиш моддалари ҳамда материаллари, — маҳсус алоқа ва бошқариш воситалари, электрон ҳужжатлар, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базалари, шунингдек ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда уларни ўчиришнинг бошқа воситалари
<b>Ёнғинга қарши режим</b>	Fire-fighting regime	ёнғин хавфсизлиги талабари бузилишининг олди олинишини ваёнғинлар ўчирилишини таъминлаш юзасидан одамларнинг хатти-ҳаракат қоидалари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва (ёки) биноларни (худудларни) саклаш тартиби; Ёнғинга қарши алоҳида режим — ёнғин хавфи юқори бўлган даврда муайян худудларда қонун ҳужжатларига мувофиқ ёнғин хавфсизлигининг кўшимча талабарини белгилаш киради
<b>Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш</b>	Ensuring fire safety	хуқуқий—меъёрий ҳужжатларни, ёнишдан хавфсизлик қоидалари ва талабарини қабул қилиш ва уларга риоя қилиш ҳамда ёнғинга қарши тадбирларни ўтказиш
<b>Ёнғин хавфи</b>	Fire hazard	ёнғин хавфсизлиги талабарининг бузилиши, тартиб ва чораларга риоя қиласлик натижасида

		ёнғин пайдо бўлиши ва тарқалиш эҳтимоли
<b>Ёнғинга қарши тадбирлар</b>	Fire-fighting measures.	ёнғинга қарши тартиб—қоидага риоя қилиш, ўз вақтида ёнғиннинг олдини олиш ва (ёки) тез ўчиришга қаратилган ташкилий ва (ёки) техник хусусиятдаги тадбирлар
<b>Ёнғинга қарши ҳолат</b>	Fire condition	ўт ўчирувчилар командаси томонидан амалга ошириладиган, ёнғинга қарши тадбирларнинг доимий ўтказилиши, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиниши ва ёнғинга қарши хизматнинг аниқ бажарилиш ҳолати
<b>Ёнғиндан сақлаш</b>	Fire Protection	ёнғиннинг олдини олиш ёки тўғридан-тўғри ўчириш мақсадида олиб бериладиган хуқуқий, ташкилий, техник ва бошқа тадбирлар тизими
<b>Ёнғин ва портлаш хавфи мавжуд обьект</b>	There is a risk of fire and explosion object	фавқулодда вазиятлар юз беришига аниқ таҳдид солувчи, энгил аллангаланадиган ва ёнғин - портлаш хавфи мавжуд моддалар ишлаб чиқариладиган, фойдаланиладиган, қайта ишланадиган, сақланадиган ёки транпортда жўнатиладиган обьект
<b>Портлаш</b>	Explosion	модданинг физик ва кимёвий ўзгариши туфайли чегараланган ҳажмда катта миқдорда энергия ажралиб чиқиши натижасида теварак - атрофда техноген фавқулодда вазиятлар содир бўлишга ёки келтириб чиқаришга қодир бўлган зарбали тўлқин ҳосил бўлиши ёки тарқалишига сабаб бўлувчи тез кечар жараён

<b>Портлаш хавфи мавжуд модда</b>	Substance with a risk of explosion	маълум таъсир натижасида портлашга мойил бўлган модда
<b>Зарба тўлқини</b>	Shock wave	портлаш натижасида ҳосил бўладиган ва бутун фронт бўйлаб босим, ҳарорат, зичлик ва муҳит заррачалари (умумий тезлик) ўзгариши билан сиқилиш - ҳавоси сийракланган ҳолатда тарқаладиган ҳаво тўлқини
<b>Зарба тўлқини фронти</b>	Shock wave front	портлаш марказидан товуш тезлигидек юқори тезликда ҳаракатланувчи сиқилган ва мўътадил муҳит ўртасидаги бўлиниш юзаси
<b>Зарба тўлқини фронтидаги ортиқча босим</b>	Excessive pressure on the shock wave front.	зарба тўлқини фронтидаги энг юқори босим ва фронт олдидаги мўътадил атмосфера босими орасидаги фарқ

## **VII.ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, хаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II.Норматив-хукуқий хужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада

- такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5847-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фани 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори
18. Literature Review and Research Plan. Antifreeze Solutions in Home Fire Sprinkler Systems. Copyright Fire Protection Research Foundation June 2010
19. Худоев А.Е. таҳрири остида. Ёнғин хавфсизлиги. 2- нашри. -Т.: Уз.Р. ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби. 2007. - 722 б.
20. Literature Review and Research Plan. Antifreeze Solutions in Home Fire Sprinkler Systems. Copyright Fire Protection Research Foundation June 2010.
21. “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. -Т.: 2009 й., 40-сон.
22. Азимов Х.А. Бино ва иншоотларда ёнғин хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. - Т.: ТАҚИ, 2004.

23. Шомирзаев Х.Х. Теория процессов горения.-Ташкент: ТДТУ, 2004.
24. Кудратов А. ва б. Ҳаётий фаолият хавфсизлиги. Маъruzга курси.-Т.: “Алоқачи”, 2005. -355 б.
25. О.Р.Юлдашев, Г.М.Гуломова, Ш.М.Нарзиев. Методические руководство для проведения лабораторных работ по предмету «Пожарная безопасность».-Т.: ТДТУ-2015.
26. Закон Республики Узбекистан «О пожарной безопасности».СЗ РУз.2009.
27. Положение «О государственном пожарном надзоре» (Приложение №1 к Постановлению КМ РУз от 04.10.2013 г. №272).СЗ РУз 2013.
28. Положение «О порядке осуществления учетной регистрации подразделений ведомственной и добровольной пожарной охраны» (Приложение №4 к Постановлению КМ РУз от 28.03.2013 г. №89).СЗ РУз 2013.

#### **IV.Интернет сайтлар**

- 29.<http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
- 30.<http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси
- 31.<http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
- 32.<http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
- 33.<http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
34. [www.mintrud.uz](http://www.mintrud.uz).-Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сайти.
35. <http://www.bezopasnost> Безопасность. Образование. Человек.
36. <http://www.alleng.ru/> Безопасность жизнедеятельности.